O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:
2 НОЎРИН ЧИҚИМ
3 ИХТИЛОФ
4 "ЖАННАТ"НИНГ ҚОНЛИ ЙЎЛЛАРИ



James MONROE
«ЯХШИ КАЙФИЯТ ЭРАСИ» АСОСЧИСИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 39 (346)
2003 йил
7 октябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Давлат ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини ҳимоя қилади. Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб ахборот олиш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасида цензурага ва ахборотни монополлаштиришга йўл қўйилмайди.

"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 8-МОДДА.

ҲАР ҚАНДАЙ ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ, –

деган эди Президентимиз Ислом КАРИМОВ

БИРИНЧИ МАҚОЛА

Ҳозир бутун халқимиз мана шу муборак заминда яшаб ўтган етти нафар пири комилнинг биринчиси ҳисобланган, мусулмон дунёсида Жаҳон аҳлининг хожаси, яъни Хожаи жаҳон деб ғоят эъзозлаган Шайх Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг 900 йиллик таваллуд тўйига ҳозирлик кўрмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу муборак зот яшаб ўтган Ғиждувон шаҳрида улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, Қасри Орифон қишлоғидаги Хожа Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳи ҳам тубдан қайта таъмирланиб, мазкур мажмуага мукаммаллик бағишловчи янги иншоотлар барпо этилмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг маънавий пири ҳисобланади. Қолаверса, мусулмон мамлакатлар халқлари орасида Нақшбандия номи билан машҳур бўлган тариқат ҳам аслида Хожа Ғиждувоний асос солган Хожагон сулукидан ўсиб чиққан...

Бугун ер юзидаги кўпгина мусулмонлар мутаассибликдан холи бўлган, дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин, деб инсонни ҳалол яшашга даъват этадиган, эзгулик ва олижанобликка, бағрикенгликка ундайдиган мана шу халқчил тариқатга амал қиладилар.

Зеро, биз бугун зоти шарифлар, деб улуғлайдиган ушбу мутафаккирларнинг тафаккур гулшанидан баҳраманд бўлган ҳар қандай одам руҳий уйғоқлик ва маънавий камолот йўлини тутиши муқаррардир.

Яқин ўтмишда қабиҳ атеистик сиёсат туфайли бу шарафли сиймоларнинг зиёратгоҳлари таъқиқлаб қўйилгани, улар ғоят ачинарли, ташландиқ аҳволга келиб қолгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Юртбошимиз 1992 йилнинг октябрида буюк мутассаввуф Хожа Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг тарихий ёдгорлиги билан бориб атрофлича танишгач, ул муҳтарам зотнинг ҳаёти ва маънавий мероси билан боғлиқ тарихий обидаларни қайта тиклаш ва пири комилнинг эзгу таълимотини кенг тарғиб қилиш ҳақида кўрсатма берди. Ўша йилнинг 4 ноябрида ҳазратнинг 675 йиллик таваллуд тўйини кенг нишонлаш ҳақида Президент Фармони эълон қилинди.

Қисқа вақт ичида Хожа Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг даҳмаси, Ҳаким Қушбеги масжиди, Саҳохона жомеъ масжиди, хонақоҳ ҳамда минора қайта таъмирланди. Айтиш керакки, меъморий мажмуа билан бирга Қасри Орифон қишлоғи ҳам тубдан обод этилди. Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг воҳидаги муҳтарамалари сағанаси тубдан қайта таъмирланди. Муҳташам музей ва меҳмонхоналар, янги иншоотлар, боғроқлар, сув ҳамда газ тармоқлари барпо этилди.

1993 йилнинг 16 сентябрида ҳазратнинг таваллуд тўйи кенг нишонланди ва унда давлатимиз раҳбари иштирок этди.

2003 йилнинг 31 июлида Президент Ислом Каримов Бухоро вилоятига сафари давомида Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллуд тўйи олдидан Ғиждувон шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳини бориб кўргач, жумладан, мазкур мажмуани янада обод этиш ва мукаммаллаштириш ҳақида кўрсатма берди ва ўзининг қимматли таклиф-мулоҳазаларини баён этди.

Шундан келиб чиқиб, Қасри Орифонда ва мазкур меъморий мажмуа ҳудудида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бугун зиёратгоҳга янада кўрк ва маҳобат, улуғворлик бағишламоқда, халқимиз унутилмас аждодларини, азиз ва мўътабар зотларни, илму маърифатни нечоғлик эъзозлашини ўзида намоён этмоқда.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Бухорои шарифга ташрифи чоғида уқтиргани каби:

— Ҳар қандай ободлик кўнгилдан бошланади.





Xabar

Шу йилнинг 1-4 октябр кунлари Германия Федерал Адлия вазирлиги Давлат котиби доктор Х.Гайгер бошчилигидаги делегация мамлакатимизда меҳмон бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

БМТ, ЕХҲТ, НАТО, ЕИ каби халқаро ҳамда минтақалараро ташкилотлар аъзоси сифатида Германия жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Ҳозирги пайтда сиёсий, ҳуқуқий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги 80 дан ортиқ ҳужжатлар ўзбек-герман муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий базасини ташкил этади. Икки давлат ўртасидаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик 1995 йилнинг ноябрида имзоланган "Хавф солаётган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида"ги ҳукуматлараро Келишувга мувофиқ амалга оширилиб келинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ҳукуматлари ўртасида техник ҳамкорлик юзасидан "Марказий Осиёда ҳуқуқий тизим ва одил судлов соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш" лойиҳаси бўйича келишувга эришилди ва у 2003 йил 1 июндан кучга кирди. Мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад Марказий Осиё давлатларида ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий ҳимоялашни янада мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотларга Германия томонидан ҳисса қўшишдан иборат.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш жараёнида Германия томонидан Германия техника ҳамкорлик жамияти (ГТЦ), Ўзбекистон томонидан Адлия вазирлиги иштирок этмоқда.

Ушбу лойиҳага мувофиқ Германия томони фуқаро, иқтисодиёт, процессуал ва умумий маъмурий ҳуқуқ соҳалари бўйича профессионал мулоқотлар олиб бориш ва кадрларнинг касб маҳоратини оширишга ёрдам бериш учун мутахассисларни сафарбар этади.

Ташриф чоғида Германия Федерал Адлия вазирлиги Давлат котиби доктор Х.Гайгер бошчилигидаги делегация Адлия вазири А.Полвон-зода, Республика Бош прокурори Р.Қодиров, Республика Миллий Хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова ва Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В.Норов билан учрашди.

Бўлиб ўтган учрашувларда ҳуқуқий соҳадаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Жумладан, Германия томони ҳуқуқий давлат қуриш юзасидан ҳуқуқий ислоҳотларни бориши тўғрисида ахборотлар алмашинуви, шунингдек, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг аҳволи тўғрисида маълумотлар базасини яратиш, локал комплекслар ва маълумотларни узатиш тармоқларини ташкил этиш, жиноятларни фош этишда техник воситалардан самарали фойдаланиш, жиноятлар изини ва бошқа далилий ашёларни аниқлаш, шунингдек, Германиядаги мавжуд жиноятларни тезкор аниқлаш, изига тушишдаги энг янги услубларни ҳаётга татбиқ этишга ёрдам бериш шулар жумласидандир.

Ташриф вақтида делегация аъзолари Бухоро шаҳрига ҳам саёҳат қилишди.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

Qonun ko`magi

ЕР ЭГАСИНИ ТОПДИ

Шаҳарга туташиб кетган Термиз туманининг бир қисм чегаралари қум барханларига бориб қўшилади. Бу ҳудуд ўзига хос табиатга эга бўлиб, деҳқончилик қилиш учун анча машаққат талаб этади. Шундай бўлса-да, бу ерлик деҳқонлар ердан фойда олишни яхши билишади. Шу боис Зулхумор Шоймардонова ҳам фермер бўлишга қарор қилди. Керакли ҳужжатларни тайёрлагач, 2001 йилнинг 17 январ куни туман ҳокимининг 32-сонли қарорига асосан унга "Гулбаҳор" ширкат хўжалиги ҳудудидан 10 муддатга 34,4 гектарлик ер майдони "Вахш" фермер хўжалигини ташкил этиш учун ажратилди.

Шундан сўнг Зулхумор опа табиий қийинчиликларга парво қилмай енг шимариб ишга киришди. Ерни ҳайдатиб, бир қисмига ғалла эктирди. Ўша йили дон етиштириш режасини 115 фоизга уддалади, бироқ сув танқислиги туфайли пахта бўйича режани бажаролмади. Чунки унга ажратилган ер қулоқнинг охири эди.

Хуллас, Ҳалқарилди ана шунда Зулхумор опанинг боши қотди. Чунки туман ҳокимининг 714-сонли қарори билан фермер хўжалигининг фаолияти тугатилган бўлса-да, 17 сентябр куни ширкат хўжалиги ва фермер ўртасида тузилган 12-сонли контрактация шартномасига биноан фермер келгуси ҳосил йилида йилда стандарт талабларига жавоб берадиган 15,4 тонна дон етказиб бериш мажбуриятини олган ва 4,2 гектар ерга ғалла экилган эди. Шу боис Зулхумор опа ҳуқуқини тиклаш учун мутасаддди идораларга мурожаат этди. Бироқ бундан ҳеч ким натижа чиқавермади.

Бу орада туман ҳокими бошқа ишга ўтди. Зулхумор опа шу йилнинг 12 май кунидаги янги туман ҳокими А.Файзиевга ариза ёзиб, собиқ ҳокимнинг 714-сонли қарорини бекор қилишни ва унга ажратилган ер майдонини қайтариб беришни сўради. Афсуски, бу уринишлари ҳам зое кетди. Ниҳоят, тоқати-тоқ бўлган Зулхумор опа вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди. Адлия ходимлари унинг аризасини атрофлича ўрганиб чиқишди ва фермерларига сув олишда кўплаб қийинчиликларга учрамоқда. Бу эса керакли ҳосилни тўплашга, шартномавий режаларни бажаришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатни жойида бориб ўрганиш шуни кўрсатдики, Амударё бўйида жойлашган насос станциясида июль-август ойларида 4 та насос ишлади, холос. Ўтган 2001 йилда доимий равишда 5-6 та насос ишлаб келган. Бундан ташқари, чегара ичкарисидаги каналнинг 500 метри узоқ вақтдан бери тозаланмаган. Шу сабабли мазкур канал насос сувини кўтаролмайди. Тез кунлар ичида фермер хўжалигига амалий ёрдам бериш сўралади".

Афсуски, ҳокимлик томонидан тузилган вакилларнинг хулосасига туман ҳокими Б.Панжиев (ҳозирда собиқ) эътибор бермади. Натижада фермернинг умидлари саробга айланиб, режа бажарилмай қолди. 2002 йилнинг 12 ноябр куни эса туман ҳокимининг "Вахш" фермер хўжалигини тугатиш тўғрисидаги 714-сонли қарори чиқарилди. Ана шунда Зулхумор опанинг боши қотди. Чунки туман ҳокимининг 714-сонли қарори билан фермер хўжалигининг фаолияти тугатилган бўлса-да, 17 сентябр куни ширкат хўжалиги ва фермер ўртасида тузилган 12-сонли контрактация шартномасига биноан фермер келгуси ҳосил йилида йилда стандарт талабларига жавоб берадиган 15,4 тонна дон етказиб бериш мажбуриятини олган ва 4,2 гектар ерга ғалла экилган эди. Шу боис Зулхумор опа ҳуқуқини тиклаш учун мутасаддди идораларга мурожаат этди. Бироқ бундан ҳеч ким натижа чиқавермади.

Бу орада туман ҳокими бошқа ишга ўтди. Зулхумор опа шу йилнинг 12 май кунинг талабини тўғри деб топишди. Шундан сўнг 3 март куни туман ҳокими номига талабнома киритилди. Аммо бундан ҳам бирор-бир натижа чиқмади. Охири иш судга бориб тақалди. Вилоят хўжалик судининг шу йил 15 август куни чиқарилган ҳал қилув қарорига асосан З.Шоймардоновнинг қарийб бир йиллик сарсон-саргардонлигига якун ясалди. Суд фермерга ўз ерини қайтариб бериш тўғрисида қарор чиқарди. Шу тариқа ҳалол меҳнат орқали ўзи ва халқимизнинг дастурхонини тўкин этишни ният қилган фермер баъзи раҳбарларнинг бепарволиги туфайли шунча оворагарчиликни бошидан кечирди. Бироқ Зулхумор опа қийин аҳволга тушса-да, аёл боши билан ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашди. Бу курашда анча қийналса-да, асло ортга чекинмади. Натижада қонун ёрдамида ўз ерига эгалик қилди. Ҳозир у яна қадрдон даласи қучоғида. Унинг аччиқ, бироқ тотли тажрибаси бошқалар учун ибрат вазифасини ўташи мумкин. Масаланинг ана шу жиҳати муҳим.

Искандар ПОЛВОНОВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Istiqlol va imkoniyat

БОШ МАҚСАД – ИНСОН ОМИЛИ!

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон шаъни ва қадри олий қадрият сифатида эътироф этилди. Бунинг натижаси ўлароқ суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Уларнинг замирида «Барчаси инсон ва унинг манфаатлари учун» деган олийжаноб ғоя мужассам. Бунга ўтган давр мобайнида жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани, 13 марта «Амнистия тўғрисида»ги Президент Фармонларининг эълон қилинганини мисол сифатида айтиб ўтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, инсонпарварлик тамойилларига йўғрилган бундай эзгу ва савобли тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Яқинда эълон қилинган «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Президент Фармони ҳам фикримиз исботидир.

Ушбу Фармон мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтарилганини кўрсатади.

Мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб жазони ўташ жойларидаги шароитни либераллаштириш икки босқичда амалга оширилади. **Биринчи босқичда** бу муассасаларда аҳвол чуқур ўрганилиб, ташкилий жиҳатдан чоралар белгиланади. Аниқроқ айтганда, ҳозирда жазо ўташ колонияларида биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгарига қараганда енгилроқ жазо ўташ жойларига, яъни тўрт ой давомида қолган жазо муддатини ўташга ўтказилади. Фармон асосида унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар умумий тартибли колониялардан манзил колонияларига; ўта оғир жиноят содир этганлар қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга ўтказилиши кўзда тутилган. **Иккинчи босқичда** Жиноят ва Жиноят-Процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи ҳал қилиниб, жазо ўташ жойларини либераллаштириш билан боғлиқ ислоҳотлар амалиётда тўла-тўкис жорий этилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, жазони ўташ шароитини либераллаштириш жиноий жазоларни либерлаштиришга қараганда, анча мураккаб жараён ҳисобланади. Нега деганда, жазо ўташ жойларидаги шароитни яхшилаш учун аввало, ташкилий жиҳатдан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бунинг учун эса ички ишлар идоралари тизимидаги жазони ижро этиш муассасаларидаги аҳволни чуқур таҳлил қилиш, бу муассасаларни моддий-техник жиҳозлаш, молиявий-ташкилий жиҳатдан таъминлаш билан бирга маҳкумларнинг бир маромда ахлоқан тузалиши, жамиятга қайтаришга қаратилган тарбиявий ишларни амалга ошириш усуллари жаҳон андозалари даражасида янгиланиши лозим.

(Давоми учинчи бетда)

Bugunning gapi

ТАДБИРКОР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИ?

ИККНЧИ МАҚОЛА

Адлия идораларига шу йилнинг ўтган 9 ойи ичида биргина шартномавий муносабатлар юзасидан 1100 дан ортиқ ариза ва шикоятлар келиб тушди. Бу аризаларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига тааллуқлидир. Адлия идоралари ходимлари ушбу ариза ва шикоятларнинг 70 фоиздан ортиғини ўрганиб ижобий ҳал қилишга эришишди. Уларнинг 18 фоиздан ортиғи эса ўрганиш ўтказилаётгани сабабли вазирликнинг қатъий назоратига олинган. 9 фоиз аризалар бўйича эса дастлабки ўрганишлар ўтказилиб, судларга даъво аризалари, баъзи ҳолатларда мутасадди идораларга тақдимнома ва талабномалар киритилгани сабабли ички назоратга олинган. 2 фоиз аризалар бўйича эса қўшимча ўрганишлар ўтказилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фермер хўжаликлари ташкил этиш ҳаракатига кенг йўл очиб берилаётган бир пайтда баъзи жойларда фермер хўжаликлари билан шартномавий муносабатларда шартнома интизомига риоя этмаётган, ўз монополлик мавқеидан фойдаланаётган айрим идора ва ташкилотлар ҳам учраб турибди. Энг ёмони, уларнинг бундай ноқонуний йўл тутиши қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар йўлида турли хил муаммоларни юзага келтирмоқда.

Ариза ва шикоятлар юзасидан жойларда ўтказилаётган ўрганишлари натижаси шуни кўрсатмоқдаки, шартномавий муносабатлар юзасидан келиб чиқаётган муаммоларнинг адлия идоралари томонидан муросасизлик билан бартараф этилаётгани, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар адлия идораларига бўлган ишончни янада оширмоқда. Буни шартномавий муносабатлар бўйича ҳуқуқи бузилган тадбиркор ва бошқа субъектлардан келиб тушаётган ариза ва мурожаатлар сонининг кундан кунга ошиб боришида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, шу йилнинг май ойида Адлия вазирлигига Жиззах вилоят Зарбдор туманидаги "Тиғириқ" фермер хўжалиги раҳбари Ю.Бозорбоев ариза билан мурожаат қилиб, фермер хўжалиги "Зарбдор элеватори" ҳиссадорлик жамияти билан 2002 йилда тузилган контрактация шартномасига кўра, 79237 килограмм уруғлик дон етказиб берган, лекин шартнома талабларига зид равишда ҳиссадорлик жамияти 4.529.745 сўм ҳақини бермаётганини билдириб, ҳуқуқий ёрдам сўраган. Мазкур ариза Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилганда, унда қайд этилган важлар тўлиқ ўз тасдиғини топди. Шунинг натижасида адлия бошқармасининг фермер хўжалиги манфаатларини кўзлаб киритган даъво аризаси Жиззах вилоят хўжалик судида кўриб чиқилди ва даъво тўлиқ қаноатлантирилди, фермернинг ҳақи ундириб берилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 24 март куни эълон қилинган **"Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"**ги Фармонида шартномавий муносабатларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг устувор мавқеини таъминлаш давр талаби экани алоҳида таъкидланган. Бироқ тадбиркорлардан келиб тушаётган шикоят ва аризалар асосида ўтказилаётган ўрганишлар давомида айрим хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг мутасаддиларни шартномавий муносабатларни такомиллаштириш борасида ҳали ҳам сусткашликка йўл қўяётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

(Давоми иккинчи бетда)

НОЎРИН ЧИҚИМ

У ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛИШИГА САБАБ БЎЛДИ

Ўтган йили Тўрақўрғон туманидаги "Олтин водий" ширкат хўжалиги аъзолари ғалладан мўл ҳосил олишди. 53 нафар оилавий пудратчи режадан 157,7 тонна зиёд буғдой етиштиришди. Ширкат хўжалиги билан оилавий пудратчилар ўртасида тузилган шартномага биноан режадан ортиқча етиштирилган ҳосил натура ҳолида пудратчиларга берилиши керак эди. Бироқ оилавий пудратчиларга 116,4 тонна буғдой тегди. Қолган 41,3 тонна донни ширкат хўжалиги ифлослик ва намлик учун "чиқим" қилди. Бу антиқа ихтиродан сўнг ширкат хўжалиги вакилларининг йиғилиши ўтказилиб, унда режани уддалай олмаган 21 нафар оилавий пудратчиларга 2.418.800 сўм жарима солиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, хўш, ширкат хўжалиги пудратчиларни тўғри жазоладими?

Бир қарашда ширкат хўжалигининг раҳбарлари ҳақдек кўринади. Чунки пудратчилар зиммаларидаги мажбуриятларини бажаришмаган. Аммо масалага чуқурроқ ёндашилса, оилавий пудратчилар нега режани бажармаган, деган масала очиқ қолган. Таёқнинг икки учи бор, деганларидек, оилавий пудратчиларнинг шартномадаги режаларини бажара олмасликларининг бир томони хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлигига бориб тақалади. Масалан, оилавий пудратчи М.Мирзабоевга шартнома бўйича 6750 килограмм минерал ўғит етказиб берилиши лозим эди. Амалда эса оилавий пудратчи 5416 килограмм, яъни режадагидан 1524 килограмм кам минерал ўғит олган. Р.Абдувоҳидовга 4170 килограмм ўрнига 3506 килограмм, Б.Мамажоновга 5560 килограмм ўрнига 3780 килограмм, А.Тўраевга 2480 килограмм кам миқдорда минерал ўғит берилган. Яна бир оилавий пудратчи Ж.Зиёвуддинов шартномада кўрсатилган 5560 килограмм минерал ўғитнинг ҳатто ярмини ҳам олмаган. Бу эса буғдой ҳосили етиштиришга салбий таъсир кўрсатган. Бироқ ширкат хўжалиги бутун айбни пудратчилар елкасига ташлаб, уларни жаримага тортиш ҳақида қарор чиқарган.

Бундан ташқари, ширкат хўжалигида ҳисоб-китобларни чек асосида амалга оширишда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Масалан, айрим оилавий пудратчиларга минерал ўғит берилгани ҳақида хўжаликдаги мавжуд чек милкларига имзолар оилавий пудратчилар томонидан қўйилмаган. Аниқроғи, улар бошқа шахслар томонидан сохталаштирилган. Мисол учун айтсак, оилавий пудратчи Х.Жалоловга шу йилнинг 25 январь куни 1512 килограмм минерал ўғит берилгани ҳақида чек милкида унинг имзоси йўқ. Ж.Аҳмедов (935 килограмм) М.Турдиева (1260 килограмм) Н.Содиқов (1000 килограмм) сингари пудратчиларга минерал ўғит берилгани ҳақида чек милкларига ҳам бошқа шахслар томонидан сохта имзолар қўйилган.

Ширкат хўжалигида бу йил 43 нафар оилавий пудратчи режадан ортиқча 83.082 килограмм буғдой етиштиришга эришди. Оилавий пудратчиларнинг жами етиштирган 866.730 килограмм буғдойидан 16.565 килограмм намликка ва ифлосликка "чиқим" қилинган. Шу ўринда ғалла етиштириш юзасидан тузилган шартномаларнинг 3.3-бандидаги қуйидаги жумлаларга эътибор қаратиш зарур: **"Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ етиштирилган ғаллани оилавий пудратчи олиб, уни мустақил тасарруф этади"**. Буни ҳеч қайси раҳбар ёдидан чиқармаслиги керак эди. Бироқ ширкат хўжалиги ўз пудратчиларидан 17.628 килограмм буғдойни олиб қолди. Айни кунларда 1 килограмм буғдойнинг ўртача баҳоси 85 сўмга тенг деб ҳисобласак, пудратчилардан ушлаб қолинган 17.628 килограмм буғдойнинг умумий баҳоси 1.498.380 сўмни ташкил этади. Ширкат хўжалиги ушбу маблағдан туман давлат солиқ инспекциясига 696.306 сўм даромад солиғи тўлган. Ваҳоланки, ширкат хўжалиги даромад солиғини натура ҳолда берилиши лозим бўлган буғдойдан эмас, балки иш ҳақи ҳисобидан ҳисоб-китоб қилиши ва йил якунлангандан сўнг давлат солиқ инспекциясига тўлаши лозим эди.

Шунингдек, хўжаликнинг 2003 йил 1 август ҳолатига нисбатан 75.322.000 сўмлик дебиторлик ва 116.996.000 сўмлик кредиторлик қарзлари мавжуд. Шундан 1.961.876 сўмлик дебиторлик қарзининг муддати ўтиб кетган. Шундай бўлса-да, хўжаликнинг мутасадди раҳбарлари томонидан ушбу қарзларни ундириш чоралари кўрилмаган. Хўжаликнинг "Раҳмонов Баҳодир" фермер хўжалигидан 12872 сўм, "Шерматов Рустамбой" фермер хўжалигидан 36.301 сўм, "Мадумаров Қўйбешали" фермер хўжалигидан 50.166 сўм, туман ҳокимлигидан 550.000 сўм ва "ПМК-6НВС" ташкилотидан 285.637 сўмлик муддати ўтган дебиторлик ҳақлари асоссиз равишда кечиб юборилган. Хўш, бундай ҳотамтойликнинг сири нимада? Бу саволга ҳозирча жавоб йўқ.

Наманган вилояти адлия бошқармаси баён этилган камчиликларни бартараф этиш учун шу йилнинг 29 август куни Тўрақўрғон туман ҳокимлигига 01-08-1215-сонли тақдимнома киритди. Ўйлаймизки, тез орада бу масала ижобий ҳал этилади.

Анвар ТУРСУНОВ,
ҳуқуқшунос

Shartnoma qonunchiligi

Afsus

Булунғурлик Абдуғани Нуронов ўзи яшаётган "Зарбдор" ширкат хўжалиги ҳудудидан ер олиб, сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этишни, оила аъзолари билан астойдил меҳнат қилиб, рўзғор кам-кўстини бут қилишни, жамиятга наф келтиришни кўнгилга тугди.

ҚАЛБАКИЧИЛИК

У юзшувутлик билан якун топди

Шу мақсадда у ширкат хўжалиги бошқарувига ер сўраб ариза ёзади. Унинг қўлига ширкат хўжалиги аъзоларининг 2002 йил 17 июлдан умумий йиғини қароридан кўчирмани тутқазишди. Қарорда унга 5 гектар ер майдони узоқ муддатга ажратилгани қайд қилиниб, туман ҳокимлигидан фермер хўжалигини рўйхатга олиш сўралган эди. Ишнинг бу қадар осон кўчаётганидан қувонган бўлажак фермер туман марказига қушдай учди. Тегишли идораларга кириб, зарур ҳужжатларни тайёрлади. Жумладан, фермер хўжаликларига ер майдонларини ажратиш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг ижобий хулосасини ҳам олди. Энди гап туман ҳокимининг қарори чиқишида қолган эди. Лекин...

Иш шу даражага етдики, А.Нуронов адлия идораларига мурожаат этишга мажбур бўлди. Вилоят адлия бошқармаси ходимлари унинг аризаси юзасидан текшириш ўтказганида коса тагида нимкоса борлиги маълум бўлиб қолди. Гап шундаки, "Зарбдор" ширкат хўжалиги аъзоларининг 2002 йил 17 июл куни ҳеч қандай умумий йиғилиши ўтказилмаган экан. Аслида умумий йиғилиш 2002 йил 5 июн куни ўтказилган бўлиб, кун тартибига А.Нуроновга «Холмурод Ҳотамов» номидаги фермер хўжалиги ташкил этиш ва унга ер майдони ажратиш масаласи қўйилмаган ва кўриб чиқилмаган.

Ўрганиш чоғида яна шу ҳол маълум бўлдики, ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Г.Қўшбоқов ва хўжалик кадрлар бўлими бошлиғи, йиғилиш котиби А.Йўлдошевлар 2002 йил 17 июл куни хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилмаса-да, "ўтказилди" деган мазмунда қарорлар дафтарига қалбаки баённомани қайд этишган. Сўнгра А.Нуроновга фермер хўжалиги ташкил этиш ва унга 5 гектар ер майдони ажратилгани тўғрисида сохта йиғилиш қароридан кўчирма беришган.

Қарорнинг сохталигидан бехабар Абдуғани Нуронов фермер хўжалиги ташкил этиш учун белгиланган тартибда барча ҳужжатлар тўпламини тайёрлаган. У деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллигига аъзолик бадали учун 18 минг 375 сўм, туман статистика бўлимига маълумот ва консиптинг хизмати учун 3 минг сўм пул тўлаган.

Ушбу ҳолат сабабчилари Г.Қўшбоқов ва А.Йўлдошевларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари борлиги учун Адлия вазири ва Республика Бош прокурори томонидан 2002 йил 13 сентябрда тасдиқланган "Адлия идоралари ва прокуратура органларининг маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг тадбиркорлик субъектларига ноқонуний аралашувини олдини олиш, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бўйича ҳамкорликдаги фаолияти юзасидан берилган Кўрсатма"сига биноан масалани ҳал этиш вилоят прокуратураси ихтиёрига ҳавола этилди.

Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширувда Г.Қўшбоқов ва А.Йўлдошевларнинг ҳаракатларида Жиноят Кодексининг 209-моддаси 1-қисмида қайд этилган мансаб сохтакорлиги жинояти аломатлари борлиги аниқланди. Бироқ Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ уларга жазо тайинланмади.

Ҳа, қалбакичилик ҳар доим одамнинг юзини шувут қилади.

Ориф ЭЛМУРОДОВ,
ҳуқуқшунос

Saboq

РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

У ҳамиша ҳал қилувчи аҳамиятга эга

Контрактация шартномаларини тузиш ва уларнинг бажарилишида Фуқаролик Кодекси ҳамда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун талабларига тўғри амал қилмагани учун "Қорақалпоқшилоқкимё" акциядорлик бирлашмасининг Нукус туман бўлими бошлиғи ўринбосари Д.Қурбонов огоҳлантирилди, туман "Электр тармоқлари" шўъба корхонаси бўлим бошлиғи Р.Бахиев, туман "МТП" давлат акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси З.Абенова ва юрист-маслаҳатчиси Р.Ёрбоевваларга "ҳайфсан" интизомий жазоси берилди. Шунингдек, "Қўнғирот нефт базаси" корхонаси юрист-маслаҳатчиси Б.Тўрамеротов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди, корхона бош ҳисобчиси Ж.Ўсеров огоҳлантирилиб, ҳисобчи Х.Эшмуродовга "ҳайфсан" эълон қилинди. Бир сўз билан айтганда, айбдорлар ўз айбларига яраша жазоланди. Шу ўринда яна бир савол туғилади: мазкур жазо берилмаслиги мумкинмиди? Албатта, фақат номлари зикр этилган раҳбарлар зиммасидаги вазифаларига виждонан ёндашишлари, талабчанлик билан иш тутишлари лозим эди. Инсоф юзасидан айтганда, шартномаларнинг шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш давлат инспекцияси рўйхатидан ўтказилган ёки ўтказилмагани, уларда томонларнинг реквизитлари, якуний ҳисоб-китоб қилиш муддатлари кўрсатилган ёки кўрсатилмагани, тегишли шахслар томонидан тўлиқ имзоланган ёки имзоланмагани, шунингдек, қачон ва қайси йил учун тузилгани устидан даврий назорат ўрнатиб туриш у қадар қийин иш эмас.

Аммо мана шу арзимаган иш айрим раҳбарларнинг юзини шувут қилиб қўяётгани ачинарли ҳолдир. Ал-Хоразмий номидаги ширкат хўжалиги Элликқалъа туманида жойлашган. Хўжаликда жорий йилда 472.914.000 сўмлик 11 та сиртқи ва 501.805.000 сўмлик 205 та ички шартномалар тузилган. Хўжаликнинг дебиторлик қарзлари 10.426.000 сўмни, кредиторли қарзлари эса 250.302.000 сўмни ташкил этади. Афсуски, хўжаликда мана шундай катта миқдордаги қарздан қутулиш чоралари кўрилмаган. Устига-устак, хўжалик раҳбарлари томонидан ташқи ва ички шартномалар ижросига совуққонлик билан ёндашилган. Масалан, хўжалик ва "Элликқалъа олтин толаси" ҳамда "Бўстондонунумлари" акциядорлик жамиятлари ўрталарида тузилган шартномаларда юрист-маслаҳатчининг ёзган хулосаси акс этмаган. Бундай муносабат натижасида пудратчилар Ашир Сейтимбетов, Қурбонбой Қурбонов, Ўктам Аллаберганов, Зокир Раҳимовлар шартномада белгиланган режадан ортиқ миқдорда буғдой ҳосили етиштирган бўлса-да, уларга бу миқдор шартнома талабларига зид равишда ўз иш ҳақлари ҳисобидан берилган.

"Тоза-Амиробод" ширкат хўжалиги пудратчиси Сафарбой Хўжаев икки томонлама имзоланган шартнома асосида 30 тонна макка, 720 тонна дағал хашак, 800 тонна силос, 50 тонна беда етиштириб бериш мажбуриятини олган. Бироқ шунча катта ҳажмдаги маҳсулот жамғармаси акс эттирилиши лозим бўлган шартномада жами маҳсулот ва етиштирилган ҳосил учун бериладиган иш ҳақи миқдори кўрсатилмаган. Шартноманинг қайси санада тузилгани ҳам янги ноаниқ, шунингдек, унда юрист-маслаҳатчи хулосаси берилмаган.

Шартнома мажбуриятларининг тўлиқ бажарилмаслиги ҳолатларини туманнинг "Қирқизобод" ва "Янгиер" ширкат хўжаликлари мисолида ҳам учратиш мумкин. Нафсиламбирини айтганда, шартнома ҳужжатларининг тўлдирилиши ва унга амал қилинишига доир нуқсонлар аксарият қишлоқ хўжалиги жамоаларига хосдек кўринади. Хўш, нега шундай? Бу саволга жавоб тайин: раҳбар мудроқлиги! Раҳбар мудроқ экан, ҳар қандай жамоа инқирозга юз тутади. Таназзулга юз тутмасликнинг ягона йўли эса яна ўша мудроқлик, бошқача айтганда, раҳбар масъулиятсизлиги, лоқайдлик, боқибеғамлик, бефарқлик сингари иллатлардан йироқ бўлишдир. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтсак: ширкат хўжалиги конрактация шартномалари тузилиши ҳамда унинг бажарилишида нуқсонларга йўл қўйди ва мазкур қонунбузилиш ҳолатлари адлия идоралари томонидан бартараф этилди, дейлик. Хўш, туман раҳбарияти нега жим? Нега ҳокимлик қуйи раҳбарлик ташкилотлари ходимларига нуқсонларни бартараф этиш юзасидан чора кўрмайди? Нега мавжуд хато ва камчиликлари бутун меҳнат жамоалари раҳбарлари олдида рўйрост очиб ташланмайди? Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, раҳбар уйғоқлиги, талабчанлиги ва фидойилиги юртимизни обод этиш, турмушимизни енгил қилиш учун замин тўғиради. Раҳбар фидойи бўлган жойда қонун ҳужжатларига зид хатти-ҳаракатлар содир этилмайди.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



Куз саховати

Qonun va biz

ХАТОЛАР ТУЗАТИЛДИ

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад ерни ҳақиқий эгасига бериш ва шу йўл билан ҳосилдорликни оширишдан иборат. Ана шу мақсадда деҳқончилик билан шуғулланадиган хўжаликлар фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Бироқ ана шу жараён ҳамма жойда ҳам тўғри ва қонуний амалга оширилмаяпти.

Мисол учун, Нишон туманидаги Усмон Юсупов номидаги ширкат хўжалигида собиқ оила пудратчилари бўлиб ишлаб келган С.Эсанов, Ш.Ўткиров, Ж.Сувонов, Д.Эрназаров, О.Диёров, К.Тоғаевлар хўжаликни фермер хўжалигига айлантириш пайтида, яъни "тендер" танлови ўтказишда қонун талаблари бузилгани сабабли танлов комиссиясининг қарорини бекор қилишни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Қарши шаҳар судига даъво ариза билан мурожаат этишган эди. Суд ушбу даъво аризасини кўриб, уни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори ҳам чиқарди. Шундан сўнг суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлган Нишон туман ҳокимлиги судга аппеляция тартибида шикоят келтирди. Унда суд ишни кўришда комиссия аъзоларининг «тендер»да иштирок этган ёки этмаганини сўроқ қилиш орқали аниқламаганини, судга мурожаат этган собиқ оилавий пудратчилар мунтазам равишда ижара шартномаларини бажармагани учун ер берилмагани баён этилган эди. Бироқ вилоят адлия бошқармаси ходимлари собиқ оила пудратчилари аризасини атрофлича ўрганиб чиқиб, Усмон Юсупов номидаги ширкат хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш бўйича 2002 йил 4 декабр куни ўтказилган «тендер» танлови Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 5 январда чиқарилган қарорига зид равишда ўтказилган, деган хулосага келди. Шунингдек, судга Қарши шаҳар прокурори ҳам аппеляция тартибида протест киритган бўлиб, унда суд ФПКнинг 6-, 15-моддаси талабларига риоя қилмагани, жавобгарнинг даъво талабларига асос бўлган далилларга баҳо бермагани кўрсатиб ўтилган эди. Яна шуни қўшимча сифатида айтиш керакки, биринчи босқич суди оила пудратчиларининг даъвосини маълум даражада қаноатлантирган бўлса-да, ўша ноқонуний танлов асосида фермер хўжалиги ташкил этган "Шохунов Боллиёр", "Фармонов Ҳайитмурод", "Хўрозов Худойқул", "Ғоффоров Алишер", "Тиловов Юрий", "Усмонов Очил" номидаги фермер хўжаликлари тузиш ҳақидаги қарор қисмини ҳам ўзгаришсиз қолдирган эди.

Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди аппеляция очиқ суд мажлиси ушбу масалага ойдинлик киритди. Суд "тендер" танловини ўтказишда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январда эълон қилинган **"Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 8-сонли қарори ва 4-6 иловасидаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия тўғрисида"ги Низом ва тартиб-қоидасига амал қилинмаган, деган қарорга келди. Чунки "тендер" танловини ўтказишда 36 нафар ваколатли киши ўрнига 13-14 нафар киши иштирок этган, холос. Қолаверса, комиссия қилинган ишлар тўғрисида якуний ҳисоботни топширмаган ва танловда қатнашишга талабгорларнинг аризасига асосли жавоб берилмаган. Энг муҳими, танлов ғолиблари ҳақидаги якуний баённома юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланмаган ва комиссия раиси сифатида собиқ туман ҳокими Р.Хуррамов танловда бошдан охиригача иштирок этмаган. Шуларга асосан Усмон Юсупов номидаги ширкат хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясининг 2002 йил 4 декабрдаги йиғилиш баённомаси ва қарор қисмининг "25-ўриндаги Фармонов Ҳайитмурод, 27-ўриндаги Тиловов Юрий, 97-ўриндаги Ғаффоров Алишер, 44-даги Шохунов Боллиёрларга фермер хўжалиги ташкил этиш ҳақида рухсат бериш ҳақидаги қисмлари ҳақиқий эмас, деб топилсин" деган жумлалар билан биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини тўлдириб, ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди. Қарши шаҳар прокурори ҳамда Нишон туман ҳокимлигининг аппеляция тартибида келтирган протести ва шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилди. Шу тариқа "тендер" танловида йўл қўйилган камчиликлар тузатилди ва ҳақиқат қарор топди.

Э.ҲАЙИТОВ,
Қашқадарё вилояти

Dakki

ЖАРИМА ЎЗ ЙЎЛИГА, АММО...

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятига кенг йўл очиб берилгани барчага кундек равшан. Лекин шундай бўлса-да, ҳали ҳам фермерларнинг йўлига тўғаноқлик ҳолатлари йўқ эмас. Бунга "Ангорпахта" акциядорлик жамияти фаолиятини мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур жамият ўтган ва бу йилги мавсумларда пахта ҳосили етиштириш учун Ангор туманидаги 188 та хўжалик юритувчи субъектлар билан контрактация шартномалари тузган.

Бироқ, ана шу шартномаларнинг аксарият қисми **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонуннинг 10-моддасида белгиланган талабларга жавоб бермайди. Жумладан, ўзаро тузилган шартномаларда топшириладиган пахта хомашёсидан ўртача тола чиқиш фоизи, пахтанинг ўртача бир тоннасининг харид нархи, шартноманинг умумий маблағи миқдори аниқ кўрсатилмасдан ижрога қаратилган. Масалан, "А.Жумаев" фермер хўжалиги билан тузилган 196-сонли, "Қўлдошбобо" фермер хўжалиги билан тузилган 173-сонли, "Бердикулбобо" фермер хўжалиги ўртасида тузилган 120-сонли шартномалар, шунингдек, "Хасанбобо НАХЗ" фермер хўжалиги билан тузилган 120-сонли шартномаларда шундай камчиликлар мавжуд. Шунингдек, "Мамирқулов Х.", "Ўрозбобо" фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларда етиштириладиган маҳсулотга олдиндан тўланиши лозим бўлган бўнак маблағларининг миқдори, маҳсулот қиймати, тўланиши лозим бўлган 20 фоизлик маблағ қайси муддатларда амалга оширилиши лозимлиги кўрсатилмасдан ижрога қаратилган.

Ўтган йилларда "Ангорпахта" акциядорлик жамияти қабул қилинган пахта хомашёси учун 20 фоизлик тўловларни фермер хўжаликларга тақсимлашда ҳам нохолисликка йўл қўйган. Хусусан, 67 та фермер хўжаликларига ўзаро тузилган шартнома шартларига кўра 2.770.714 минг сўм кам миқдорда маблағ тўланган.

"Ангорпахта" акциядорлик жамияти Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғарма ҳисобидан ажратилган 34 та транш бўйича берилган 1172957369 сўмлик маблағни ҳам мақсадли тақсимланмаган. Масалан, "Ботирбобо" фермер хўжалиги "Пахта - 2002" траншлари бўйича 290.160 сўмлик, "Чориев Даврон" фермер хўжалиги 250.000 сўмлик бўнак маблағларни ўз вақтида олишолмаган.

"Ангорпахта" акциядорлик жамиятида фермер хўжаликларнинг пул маблағлари узоқ вақт мобайнида ҳаракатсиз сақлаб келган. Масалан, "Жалоир" фермер хўжалигининг 2001 йилдан буён 522.839 минг сўми ёки "Байналминал" хусусий фирмасининг 620.685 сўми, якка тартибдаги тадбиркор А. Раҳматуллаевнинг 376.526 сўмлик маблағлари бир йилдан буён жамият корхонасининг банкдаги ҳисоб рақамида уларга қайтарилмасдан ушлаб турилган. Бу каби қонунбузарликлар юзасидан вилоят адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Суд тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама пухта ўрганиб чиқиб, "Ангорпахта" ҳиссадорлик жамият бошқарув раиси Хўжаназар Абдурраҳмонов, бош ҳисобчи Ҳайитмурод Абдувоҳидов ва унинг ёрдамчиси Сафар Усмоновларга ҳам жарима солди. Бироқ фермерларнинг сарсон бўлишганини бирон нарса билан қоплаб бўлармикан? Энг муҳими, бундан кимдир тегишли хулоса чиқарармикан?

Баҳодир ҚОДИРОВ,
Рустам ХУРРАМОВ

Bugunning gapi

ТАДБИРКОР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИ?

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ана шундай лоқайдлик натижасида шартномавий муносабатларда бир тараф сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотларнинг беғам мутасаддилари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларига ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказмоқда. Масалан, Самарқанд вилоят Тойлоқ туманидаги "Қосим ота "фермер хўжалиги раҳбари М.Тўхтаев ва "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятининг Тойлоқ филиали ўртасида 2002 йил 31 декабрда 2003 қишлоқ хўжалик йили учун минерал ўғитлар етказиб бериш юзасидан тузилган 217-сонли шартномага асосан 1000 килограмм аммиакли селитра, 300 килограмм аммофос ва 200 килограмм хлорли калий етказиб берилиши белгиланган.

Бироқ акциядорлик жамияти томонидан 2003 йил май ойида ҳам фермер хўжалигига 30.000 сўмлик 600 килограмм аммиакли селитра асоссиз равишда етказиб берилмаган. Фермер хўжалиги раҳбарининг мурожаатига кўра, ўтказилган ўрганишлар натижасида ариза да қайд этилган важлар тўлиқ ўз тасдиғини топди ва вилоят хўжалик судига акциядорлик жамияти ҳисобидан фермер хўжалиги фойдасига умумий қиймати 30.000 сўмлик 600 килограмм аммиакли селитра ҳамда 60.037 сўм пул маблағлари ундириб бериш тўғрисида даъво аризаси киритилди. Бу даъво аризаси хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан тўлиқ қаноатлантирилди. Аниқроқ айтганда, фермер учун зарур бўлган минерал ўғит филиалдан суд қарори билан мажбурий тартибда олиб берилди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан шу йил августа ойида бир гуруҳ фермер хўжаликлари мурожаати юзасидан Хазорасп пахта тозалаш акциядорлик жамиятида ўрганиш ўтказилди, бунинг натижасида маълум бўлдики, шу йилнинг 29 январда жамият томонидан фермер хўжаликларининг 2002 йилда топширган пахта пулининг 80 фоизи, яъни 7,8 миллион сўм, ширкат хўжаликларининг 8,2 миллион сўмлик маблағи уларнинг розилигисиз "Қишлоқхўжаликкимё"нинг туман филиали ҳисобига ўтказиб юборилган экан. Энг ёмони, фермер ҳамда ширкат хўжаликларидан ушлаб қолинган ва "Қишлоқхўжаликкимё"нинг туман филиали ҳисобига ўтказиб юборилган бу маблағлар "Ал-Аббос", "Атабек-1", "Сулаймон Шо" фермер хўжаликлари раҳбарларининг бир неча марта мурожаат қилишига қарамай на эгасига қайтарилган ва на уларга ўғитлар берилган. Буёғини сўрасангиз, фермер хўжаликларига шунча пуллик минерал ўғитга зарурат бўлмаган... Бу маблағ ўрганиш даврига қадар асоссиз равишда кимё корхонаси ҳисобида сақланиб турган. Адлия вазирлигининг талаби билан хўжаликларнинг маблағлари қайтариб берилди ва айбдорларга нисбатан қонуний чора кўриш юзасидан тақдимнома киритилди.

Бундан ташқари, оила пудратчиларининг ширкат хўжаликлари томонидан шартномавий муносабатларда ҳуқуқларини чеклаётгани ҳолатлари юзасидан шикоят ва аризалари асосида ўтказилаётган ўрганишлар жойларда ички хўжалик шартномалари бўйича шартнома интизомига риоя этилиши қониқарсиз аҳволда эканини кўрсатмоқда.

Масалан, Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги "Оқ олтин" ширкат хўжалиги оила пудратчиси Б.Мўминов шу йил август ойида Адлия вазирлигига ёзган аризасида ширкат хўжалиги пудрат шартномасида кўрсатилган шартларни бажармаётгани, яъни етказиб берилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақини ололмаётганини билдирган. Адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида Қарши туманларо фуқаролик судига даъво аризаси киритилди ва суднинг ҳал қилув қарори билан Б.Мўминовга 46850 сўм миқдорда иш ҳақи, 823 килограмм пахта ёғи, 3014 килограмм шрот, 2529 килограмм шелуха маҳсулотлари натура ҳолида, шунингдек, оила пудрати аъзолари М.Мўминовга 43520 сўм ва У.Мўминовга 42675 сўм иш ҳақлари ундириб берилди.

Зиммасидаги жавобгарликни ҳис қилмаслик ҳолатини Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Н.Муродов номидаги ширкат хўжалиги раҳбарлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки, оила пудратчиси О.Маматраимовнинг аризасида ушбу ширкат хўжалиги мутасаддилари томонидан оила пудратчисига қарашли 4 гектар ерда униб чиққан пиёз ҳеч бир асоссиз буздириб ташлангани қайд этилган. Ўрганишлар давомида оила пудратчисининг қонуний ҳуқуқлари қўпол тарзда бузилгани ва унга қатта миқдорда моддий зарар етказилгани аниқланди. Адлия бошқармасининг Шеробод туманлараро фуқаролик судига киритилган даъво аризасига асосан суднинг шу йил 22 июндаги ҳал қилув қарори билан ширкат хўжалигидан оила пудратчиси О.Маматраимовга 1.314.000 сўм етказилган моддий зарар ундириб берилди.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, баъзи шикоят аризаларда ширкат ва фермер хўжаликлари ўртасидаги шартномавий муносабатларда ҳам ширкат хўжаликлари томонидан мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари ҳақида фикр юритилган. Жумладан, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги "Тараққиёт" фермер хўжалиги раиси М.Муродовнинг аризасида Шаҳрисабз туманидаги "Жўра Элбоев" номидаги ширкат хўжалиги билан 2002 йил март ойида тузилган маҳсулот етказиб бериш шартномасига асосан фермер хўжалиги томонидан 1.320.000 сўмлик ем-хашак етказиб берилган. Шартномага асосан тўловлар маҳсулот тўлиқ топширилгач, амалга оширилиши белгиланган. Аммо қонунга хилоф тарзда ширкат хўжалиги маҳсулот ҳақини тўламаган. Адлия бошқармасининг Қашқадарё вилоят хўжалик судига киритган даъвоси асосида суд қарори билан фермер фойдасига ширкат хўжалигидан 1.320.000 сўм асосий қарз ва 660.000 сўм миқдорида устама ундириб берилди.

Шу йил 4 сентябр куни қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг **"Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"** қарори шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат саналади. Мазкур қарорда шартнома томонларининг шартнома интизоми учун масъулиятини кучайтириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг устувор мавқеини, шартнома мажбуриятларини бажарилмаганлиги учун тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ҳам бевосита жавобгарлиги аниқ белгилаб берилди.

Қарорнинг 2-бандида Адлия вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан тузилган шартномаларнинг тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатилиши қайд этилган.

Ушбу қарор билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 7-бобида хўжаликлар томонидан контрактация шартномалари бажарилмагани ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун уларни жавобгарликка тортишда шунингдек, хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида контрактация шартномалари бўйича шартнома мажбуриятлари хўжаликлар томонидан бажарилмаслиги (зарур даражада бажарилмаслиги) учун хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш ташкилотларининг айби билан хўжаликлар томонидан контрактация шартномалари бажарилмаслиги (зарур даражада бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар ушбу ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда қопланади деб белгилаб қўйилган.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, шартнома хўжалик муносабатларини юритишда муҳим ҳужжат саналади. Шунинг учун шартнома шартларига масъулиятсиз муносабатда бўлиш нафақат бир томоннинг, балки жамиятимиз манфаатларига ҳам зиён етказади. Шу маънода буни унутиш, масъулиятсизликка йўл қўйиш, ҳеч шубҳасиз, жавобгарликка олиб келади.

Шавкат ТОЖИБОЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

БОШ МАҚСАД – ИНСОН ОМИЛИ!

Istiqlol va imkoniyat

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Жазони ўташ муассасаларидаги аҳволни ўзгартириш чораларини кўриш жараёнида ўз-ўзидан тегишли кодекслар ва қонунларга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш масаласи ҳал қилинади. Чунки Президент Фармонининг учинчи бандида Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирлигига ўзаро ҳамкорликда озодликдан бир ойлик муддатда маҳрум этиш жазосини тайинлаш ҳамда уни ўташ тартиби ва шароитларини белгиловчи қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифини ишлаб чиқиш қайд этилган.

Шунингдек, Жиноят Кодекси ва Жиноят-Процессуал Кодексидаги қатор меъёрларда маҳкумларнинг жинсига қараб, яъни аёл, эркак ва вояга етмаганлар алоҳида-алоҳида табақалаштирилган ҳолда жазони ўташи зарурлиги кўрсатилган. Мисол учун эркаклар тайинланган жазони манзил колониялари, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларда; аёллар эса умумий, қаттиқ тартибли ва манзил колонияларда (ЖКнинг 50-моддаси); вояга етмаган болалар умумий ва кучайтирилган тартибли; вояга етмаган қизлар жазони фақат умумий тартибли **тарбия колонияларида** ўтайдилар (ЖКнинг 85-моддаси).

Демак, бундан кейин амалдаги қонунчиликка биноан суд ҳукми билан айбдорга нафақат жазо тури ва муддати, шунингдек, жазо ўташ жойининг тури ҳам аниқ белгилаб берилади. Жазони ўташ муассасасининг тури кўрсатилмаган суднинг ҳукмини қонуний деб бўлмайди. Қуйи суднинг жазони ўташ тури белгиланмаган ёки нотўғри белгиланган ҳукми ҳукмни ижро қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш жараёнида шу суд ёки юқори суднинг апелляция ёки кассация босқичида муҳокама этилади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, судлар жазо ўташ жойининг турини қандай мезон асосида белгилайди?

Бунга жавоб тариқасида шуни айтиш жоизки, содир этилган ҳар бир жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси инобатга олинади. Умуман олганда, ЖКнинг махсус қисмидаги жиноятлар тўрт тоифага бўлиниб таснифланади. Аниқроқ айтганда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар. Албатта, бирон-бир жиноятни қайси тоифага мансублиги бу жиноятга белгиланган жазо тури ва миқдоридан келиб чиқиб аниқланади. Мисол учун **ижтимоий хавфи катта бўлмаган** қасддан содир этилган жиноятларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазо назарда тутилган жиноятлар киритилган. **Унча оғир** бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилган уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, **оғир** жиноятларга қасддан содир этилиб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ўта оғир жиноятларга ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар киритилган.

Таъкидлаш жоизки, Жиноят Кодексининг махсус қисмидаги жами жиноятлар турининг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, бор-йўғи 25 фоизини эса оғир ва ўта оғир жиноятлар ташкил этади.

Президентимиз Фармонига асосан жазони ўташ режимининг ўзгариши маҳкумларга жамиятдан тўлиқ ажралмасдан, яъни оила аъзолари ёки яқинлари билан тез-тез учрашиш ёки хат-хабар олиш, телефон орқали боғланиш ва моддий аҳволини яхшилашга имконият яратади. Энг муҳими, биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган маҳкумни илгари бир неча марта судланганлардан, яъни қонун тили билан айтганда, хавфли рецидивистларга қўшмасдан тарбиялаш йўлга қўйилади.

Шунингдек, маҳкумларнинг жазо ўташ шароитини либераллаштириш тўғрисидаги Президент Фармони биринчи марта судланганларнинг жазо ўташ шароитларини енгиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, тез орада ЖК ҳамда ЖПКга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш натижасида биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган эркаклар ва аёллар жазони манзил-колонияларида, оғир ва ўта оғир жиноятлар учун жазони умумий тартибли колонияларда ўтай бошлайди.

Шу муносабат билан бу борадаги айрим таклифларни билдиришни лозим топдик. Хусусан, Жиноят Кодексидаги 50-моддага ўзгартириш ва қўшимча киритишда 5 ва 6-қисмлардан ташқари шу меъёрнинг 7-қисмидаги турмага қамашга алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки шу қисмнинг "б" бандида "оғир ва ўта оғир жиноятлар учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд ҳукми билан жазонинг муайян қисмини турмада ўтказиш белгиланиши мумкин" дейилган қоида мавжуд. Фикримизча, маҳкумни жазо ўташ шароитини либераллаштириш жараёнида оғир ва ўта оғир жиноятларни биринчи марта содир этиб озодликдан маҳрум қилинганларга турмага қамаш қўлланмаслиги керак. Шунинг учун 7-қисмнинг "б" банди "илгари оғир ва ўта оғир жиноятлар учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин" деган янги мазмунда ифодаланиши лозим деган таклифни билдирамиз. Ушбу модданинг 5-қисми эса қуйидаги мазмунда ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўларди:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар;

а) айбнинг шаклидан қатъи назар (қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида), биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганда жазони манзил колонияларда;

б) биринчи марта оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганда умумий тартибли колонияларда;

в) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганда қаттиқ тартибли колонияларда;

г) ўта хавфли рецидивистлар ва авф этилиб, ўлим жазоси озодликдан маҳрум қилишга алмаштирилган шахслар жазони махсус тартибли колонияларда ўтайди».

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ тизимида навбатдаги босқичда ўтказилиши мўлжалланган жазо шароитини либераллаштириш билан боғлиқ ислоҳотлар замирида ҳам инсонпарварлик тамойиллари мужассамлашгани жамият ҳаётини янада эркинлаштириш жараёнининг давом этаётганидан далолатдир. Бу эса мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош омили инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилганининг амалий исботидир.

Мавжуда РАЖАБОВА,
Юридик фанлари доктори

Jurnalist surishtiruvi

Ургутлик Ғани Бердиев умрининг қирқ тўрт йилини банк соҳасига бағишлади. Ўттиз беш йил банк раҳбари бўлиб ишлаб, хизматлари эвазига бир қатор мукофотлар билан тақдирланди. Ўтган давр мобайнида қанчадан-қанча ёшларга мураббийлик қилди. Бироқ...

ИХТИЛОФ

Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, Ғ.Бердиев 2002 йилнинг 17 декабрида фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судига ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи, моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво ариза берди. Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтиб, 2003 йилнинг 28 январ куни судья С.Абдуллаев раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида даъвогарнинг даъвоси кўриб чиқилади. Суд томонидан Ғани Бердиевни "Халқ банки"нинг Ургут туман бўлимига ҳужжат сақловчи вазифасига ишга қўйиш, бекор юрган кунлари учун "Халқ банки"дан ўттиз минг сўм ундириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Даъвонинг маънавий зарарни ундириш қисми эса рад этилади.

Энди фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация судлов ҳайъатининг шу йил 14 августдаги 350-сонли суд ажримидан кўчирма келтирамиз: "Фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судининг 2003 йил 28 январдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Бердиев Ғанининг даъвоси қаноатлантирилган ва у "Халқ банки"нинг Ургут тумани бўлимга ҳужжат сақловчи ишга тикланган ҳамда бекор юрган вақти учун 30 минг сўм иш ҳақи ундирилган. Биринчи босқич судининг мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлган "Халқ банки"нинг Ургут туман бўлими кассация тартибида шикоят келтириб, суднинг ҳал қилув қарори қонунга зид экани, Ғани Бердиев ишдан ўз хоҳиши билан бўшаб кетгани, уни ҳеч ким мажбурлаб ариза ёздириб олмагани, ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини қайтариб олиш ёки меҳнат таътили беришни сўраб ариза ёзмаганини ва унинг аризаси банкда рўйхатдан ўтмаганини, шунингдек, бирон-бир тарзда буйруқ чиқмаганини, суд ишга тикланган ҳужжат сақловчи штати қисқариб кетганини, ишдан бўшаб кетгандан кейин тўрт ярим ой вақтни ўтказиб судга мурожаат этгани сабабли суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этишни сўраган.

Кассация шикоятига Ғ.Бердиев эътироз билдирмаган".

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация судлов ҳайъати Ғани Бердиевни тарафларнинг ўзаро келишувига биноан 2002 йилнинг 5 сентябридаги 103-сонли буйруқ билан ишдан бўшатилган, ишдан бўшатиш ҳақидаги аризасини қайтариб олиш тўғрисида "Халқ банки"нинг Ургут туман маъмуриятига мурожаат этганлигини тасдиқловчи ишда бирон-бир далил мавжуд эмас, деган хулосага келган. Ундан ташқари, биринчи босқич суди судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш муддатини узрсиз сабаблар билан ўтказиб юборганига ҳуқуқий баҳо бермаган ҳолда Ғ.Бердиевни ишга нотўғри тиклаган деб ҳисоблаган.

Шу боис кассация судлов ҳайъати фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш, Ғ.Бердиевнинг даъвосини рад этиш тўғрисида ажрим чиқарган.

Ғани Бердиевнинг таҳририятга йўллаган шикоят хатида ёзилишича, 2002 йилнинг 3 сентябр куни мажбуран ариза ёзиб бергандан сўнг уйига кетган. Бироқ кечқурун ҳуқуқи поймол этилаётгани боис ёзган аризасини бекор қилиб, навбатдаги меҳнат таътили беришни сўраб банк бошқарувчиси Турғун Шодиев номига қайта ариза ёзган ва уни эрталаб ўғлидан бериб юборган. Бахтга қарши Г.Шодиев иш жойида йўқ эди. Ариза котибада қолади. Қарангки, котиба столидан ариза йўқолади. Бундан хабар топган Ғ.Бердиев иккинчи аризани ёзиб ўғлини яна банкка жўнатди. Бу гал Т.Шодиев шу ерда бўлиб, аризани қабул қилмай, қайтариб юборади. Эртаси кунига, яъни 5 сентябрда Ғ.Бердиев ариза билан шахсан ўзи Т.Шодиевнинг ҳузурига киради. "Вилоят марказига бориб, раҳбарларга учрашинг", - дейди Т.Шодиев. "Мен уларга эмас, сизга ариза ёзганман, - жавоб қилади Ғ.Бердиев, - ўзингиз ҳал қилинг".

Бўлиб ўтган ана шу суҳбатдан сўнг Ғ.Бердиев аризани Т.Шодиевда қолдириб хонадан чиқиб кетган экан.

Ғ.Бердиев билан Т.Шодиевнинг ҳузурига кирганимизда банк раҳбари буни тан олди. Банкнинг иш юритувчи котибаси Н.Маҳкамова ариза столидан ўғирлангани ҳақида тушунтириш хати ёзиб берди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: иш жойидагилар аризани қабул қилиб, рўйхатга олмаган бўлишса, Ғ.Бердиевда нима айб? Бу билан фуқаронинг Конституция ва қонунларда кўзда тутилган ҳуқуқлари поймол этилган эмасми?

Вилоят суди кассация судлов ҳайъати ажримида қайд этилганидек, Ғ.Бердиев ҳужжат сақловчи вазифасига ишга тикланган бўлса-да, унинг ишлашига имкон берилмаган. Буни унинг ўзи шундай изоҳлайди: "Шу йилнинг 10 август куни менга Ургут тумани суд ижрочилари ишга тикланганим тўғрисида 6 августда чиқарилган 115-рақамли буйруқни келтириб беришди. Банкка борсам, бошқарувчи Т.Шодиев дам олишда экан. Унинг вазифасини вақтинча бажарувчи Ш.Эргашев "бошлиқ яқинда ишга қайтади, ўзи келгач, масалани ҳал этади", деди.

Мен ишга қатнаб турдим. Т.Шодиев 2002 йилнинг 2 сентябрида ишга чиқди. Қабулига кирдим. Кадрлар бўлими бошлиғини чақириб ниманидир олиб келишни буюрди. Бу вилоят суди кассация судлов ҳайъатининг 350-сонли ажрими экан. Кадрлар бўлими бошлиғига қараб "бу кишига нусха олиб бер", деб тайинлади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Gazetxon xat yo`llabdi

ВАЪДА БИЛАН ЙЎЛ БИТМАЙДИ...

Юртимиз кундан кунга чирой очиб, обод бўлиб боряпти. Айниқса, телевизорда юртимизда барпо этилаётган равон йўлларни, шинам кўчаларни кўриб, ҳавасимиз келади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқлари ана шундай обод бўлди. Бироқ биз ўзимиз истиқомат қиладиган ҳудуд ҳақида бундай дея олмаймиз. Нега деганда, мана беш ойдирки, "Ғиждувон–Халқобод" йўлининг аросатда қолиб кетган бир чақиримдан зиёд қисмини таъмирлаш бўйича нажот кутавериб чарчадик.

Мана шу атиги бир чақирим келадиган йўлнинг «довруғи» туман ҳокимигача етиб борди, лекин мутасаддилар пинагини бузмаяпти. Ахир, 20-30 йилдан бери таъмирланмаган бу кўчага кўпчилик ўтиб-қайтади. Ёзда чанг, қишда лой бундай кўчаларни бошқа ҳеч қаердан топиб бўлмайди.

Аслида хўжалик озгина ёрдам берса, қишлоқ аҳли ҳашар йўли билан ҳам кўчани таъмирлаб олади. Чунки ҳамқишлоқларимиз аҳил ва ҳамжиҳат. Лекин бу ишга бошчилик қиладиган одам йўқ. Энг ёмони, йўл чиқиндихонага айланиб бормоқда.

"Обод маҳалла йили" муносабати билан ушбу иш ҳам ўз ечимини топишга қаттиқ ишонамиз. Лекин қачон, деган савол бизни қийнаяпти. Умид қиламизки, арзимиз газета саҳифасида босилиб чиққач, хўжалик раҳбари Б.Нуровнинг ориятли келиб, таъмирлаш ишларини бошлаб юборса, ажабмас. Биз, қариялар ҳам қараб турмаймиз, балки ёнида ёндош бўламиз.

Меҳнат фахрийлари номидан:
Х. МАЖИДОВ,
Ғиждувон тумани, Халқобод ширкат хўжалиги

"НИЯТИМ ТЕЗРОҚ РЎЁБГА ЧИҚСА..."

Бундан уч йил бурун неварам Сойибжон ҳеч кимга билдирмай мен, келиним, 4 нафар неварам яшаб турган уйни Акром Бақоев деган шахсга сотиб юборган экан. Шу боис ҳозиргача ижарада яшаяпмиз. На ичарда, на турарда ҳаловат бор. Айниқса, ёшим бир жойга борганда бундай азобни кўтаришим қийин бўляпти.

Неварамнинг ўзбошимчалиги ва тошбағирлиги туфайли кексайганимда судма-суд қатнаб анча овора бўлдим. Ниҳоят, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди апелляция судлов ҳайъати шу йилнинг 1 июл куни сотилган уй-жойга мархум эрим Саидов Ҳайдарнинг эгалик ҳуқуқи тиклаш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Аммо турли баҳоналар билан суд қарори ижро этилмаяпди.

Бу йил ёшим 80 га тўлди. Шу боис кундан-кун куч-қувватим сусайиб бораяпди. Кўзимнинг тиригида невараларимнинг ўз уйига қайтиб киганини, тинч ва осуда яшаётганини кўрсам, деган ниятим бор. Ана шу ниятимга тезроқ етишимга амалий ёрдам беришларингизни илтимос қиламан.

Нусрат момо ТУРДИЕВА,
Косон тумани,
"Мугжагул" маҳалласи



Замин сайқали...

Qabohat

"ЖАННАТ"НИНГ ҚОНЛИ ЙЎЛЛАРИ

Олис тарихга назар ташласак, ҳамма замонларда ҳам ёвузлик эзгулик билан ёнма-ён яшаб, у ҳам мудом қурбонлар эвазига ўз умрини узайтиришга уриниб келганини кўрамиз. Бунинг устига ёвузлик турли даврларда турли хил қиёфаларда пайдо бўлган. Бироқ ҳеч қачон унинг қабиҳ нияти, бузғунчилик муддаоси ўзгармаган. Бундан ҳам даҳшатлиси шундаки, қабиҳ кимсаларнинг нафс қутқуси, дунёга ҳукмронлик қилиш васвасаси ёвузликни пайдо қилган.

XXI асрга келиб, ёвузлик терроризм деган мудҳиш офат қиёфасида кўриниш берди. Ва ёвуз куч инсоният бошига қанчалик кулфат солишини, шаҳар ва қишлоқларни қултепага айлантиришини ўз ҳаётимиз ва дунёдаги бошқа давлатлар турмушида рўй берган аянчли воқеалар мисолида ҳам кўрдик. Ҳар бир ақли расо кишини танг қолдирадиган томони шундаки, ёвуз кимсалар ўз қора ниятларини хаспўшлаш учун ислом динини ўзларига ниқоб қилиб олишган. Ҳолбуки, бундай ёвуз кимсаларнинг тубан қилмиши нафақат ислом дини, балки оддий инсонийликка ҳам мутлақо ётдир.

Қуйида "Турд" газетасининг мухбири Владимир Янченковнинг ўзларига муқаддас ислом динини ниқоб қилиб олган террорчи гуруҳларнинг мудҳиш қилмишлари ҳақида сўз юритилган мақоласи эълон қилинмоқда.

АКАЛАР СИНГИЛЛАРИНИ ЎЛИМГА ЖЎНАТАДИ

Курчелойнинг жим-жит кўчасидаги ертўлага ўхшаш одмигина уйнинг бир бурчагига чарос кўзлари кулиб турган гўзал кизнинг кора лента билан хошияланган портрети осиб қўйилган. Бу сурат шу йилнинг 5 июлида террорчилик портлашини амалга ошириб, ўзини-ўзи ўлимга маҳкум этган йигирма ёшли Зулихон Элиҳожиевадан қолган ягона ёдгорлик ҳисобланади.

Унинг етмиш ёшли бувиси Зуда Элиҳожиева шашқатор кўзёшларини базўр тўхтатиб, қуйидагиларни гапириб берди.

— Набирам меҳрибон, ақлли, уйга меҳр қўйган қиз эди. Тиббиёт билим юртининг учинчи босқичида ўқир, ўқишдан бўш пайтлари уй-рўзғор ишларига қарашарди. Унинг ҳуснига қараб кўзимиз тўймасди. Кунлардан бирида у қаёқадир ғойиб бўлиб қолди. Қўшниларнинг айтишига қараганда, уйимиз олдига келиб тўхтаган енгил автомашинадан қандайдир аёл тушиб Зулихонни чақирган, кейин уни мажбуран олиб кетишган...

Набирамни отаси билан узоқ қидирдик. Курчелой ва унинг атрофидаги яқин-йироқ манзилларни қаричма-қарич ахтариб чиқдик. Афсуски, ҳеч қаердан Зулихоннинг дараги чиқмади. Москвада портлаш юз берган куни телевизорда унинг суратини кўриб қолдик.

Курчелой тумани ички ишлар бўлимидагилар менга кампирга атайлаб билдирилмаган айрим тафсилотларни айтиб беришди. Уларнинг гапига қараганда, Зулихонни она бир, ота бошқа акаси Данилхон Элиҳожиев ўғирлаб кетган экан. Данилхон арабистонлик Абу Ҳабиб бошлиқ ёлланган ваҳҳобий тўданинг ашаддий каллакесарларидан бири бўлиб, радиойўқламада "Афғон" деган лақаб билан чақиришган.

Яқинда қўлга олинган Элиҳожиев кўрсатмаларини эшитган одамнинг эти жунжикиб кетади. Жумладан, у ўзи яшириниб юрган Ингушистонга синглисини зўрлаб олиб кетганини тан олди. Унинг айтишича, инсонийлик ва мусулмончилик қонун-қоидаларига зид равишда ўз синглисининг шаънини топтаган. Кейин уни бошқа қароқчига тортиқ қилган. Инсон деган номга нолойиқ каллакесар эса ор-номуси таҳқирланган қизни гиёҳванд дорилар ва махсус кодланган ахборотлар ёзилган аудио кассеталар билан руҳига таъсир ўтказган. Натижада зомбига айланган Зулихон тирик қўғирчоқ мисол одамхўрларнинг ҳар қандай буйруғини бажаришга тайёр бўлган. Уни ана шу алфозда баданига портловчи ўқ-дориларни боғлаб, Пушинога жўнатишган...

Ассиновский станциясида 2002 йилнинг октябрида Москванинг "Дубровка театр" ("Норд-Ост") марказида тирик портловчи нишонга айланган опа-сингил Фотима ва Милане Ғаниеваларга таллаулки мудҳиш тафсилотларни эшитишга муваффақ бўлдик.

Бу ерда уларнинг туғишган опаси Раиса Ғаниева ота-онасининг қаршилигига қарамай бешала акаси ҳам қуролланган каллакесарлар тўдасига қўшилиб кетганини айтиб берди. Террорчилар ёш йигитларнинг қўлига қурол бериб, Ҳаттоб бошчилигида жанг қилиш эвазига амал ва бойлик ваъда беришди. Лекин пул ва шон-шуҳрат ҳақидаги гаплар сароб бўлиб чиқди. Акаларининг уч нафари ҳалок бўлишди. Фақат Иброҳим ва Рустам тирик қолишди. Ўз раҳнамосига мутлоқ садоқатини амалда намойиш этган Рустамга 1-рақамли террорчи аёл-камикадзеларни ёллаш ва тайёрлаш вазифани ишониб топширади.

Рустам ҳам тезроқ бойиб кетиш умидида туғишган сингиллари Фотима ва Миланени аврай бошлади. Бу йўлда у ҳеч нарсадан қайтмади.Улардан ваҳҳобийликни сўзсиз қабул қилишни талаб қилар, дағдаға ва кўрқитишдан ҳам тоймасди, Шу ўринда таъкидлаш жоизки, чечен хотин-кизлари учун қадимдан қолган урф-одатга кўра аканинг гапи қонун билан баробар саналади... Хуллас, сингилларини ўз йўрғиғига кўндирган Рустам уларни раҳнамоси қароргоҳига олиб келади. Бу ерда эса инсонийликдан йироқ услубда опа-сингилларни қўпорувчиликка тайёрлашади.

Бу иш опа-сингилларнинг гулдай умри хазон бўлиши билан якун топди. Рустам эса бу "хизмати" учун 3 минг доллар билан мукофотланди. Пул учун ўз жигаргўшаларини била туриб, ўлимга юборган бундай кимсалар ҳеч ўйланмасдан Ватани ва онасини ҳам сотиши тайин.

Хозирда Рустамнинг тирик қолган синглиси Раиса ундан бекиниб юрибди. Чунки Фотима ва Миланенинг аянчли тақдири уни ҳам четлаб ўтишига кафолат йўқ. Раисага жон, акасига эса пул керак.

Яна бир аёл Луиза Асмаеванинг тақдири ҳам ғоят даҳшатли. У Наур туманидаги уйидан шу йилнинг 9 февралида каллакесарлар томонидан зўрлик билан олиб кетилган. Грозний атрофидаги ҳарбий истеҳкомлардан бирида у ва яна икки жангари 22 июн куни қўлга олинган. Жангарилар граната, автомат ва тўппонча билан қуролланган бўлиб, қиз эса танасига портловчи моддалар билан тўлдирилган "шаҳидлар белбоғи"ни боғлаб олган эди. Маълум бўлишича, гуруҳ террорлик хуружини амалга ошириш учун шаҳарга йўл олган экан.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

ВАКОЛАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ЁКИ АҚШ ОЛИЙ СУДИ ФАОЛИЯТИ

Ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий шартларидан бири суд ҳокимиятининг том маънода мустақиллиги ҳисобланади. Бу борада 215-йиллик бой тажрибага эга бўлган Америка Қўшма Штатларида ана шундай ўзига хос суд тизими шаклланган.

Олий Суд АҚШ ҳуқуқ тизимининг энг олий органи бўлиб, мамлакат Конституциясининг 3-моддасига мувофиқ миллий ҳукуматнинг Конгресс ва Президент билан бир қатордаги тармоғи сифатида эътироф этилган. Олий суд федерал қонунларнинг барча саволларига ечим топувчи махсус суд ҳисобланади. Шунингдек, Олий Суд Конституция ва Конгресснинг ҳуқуқий меъёрлари, бошқа давлатлар билан тузиладиган келишув ва битимларни тузишда бевосита иштирок этади. Шунингдек, бошқа давлатлардаги каби АҚШ Олий Суди ҳам қуйи судларнинг ишларини қайтадан қуриб чиқиш ваколатига эга.

АҚШ Олий Судининг бинои Капитолий майдони яқинидаги чорраҳада жойлашган бўлиб, ушбу бинонинг ташқи томони Вермонт мармари билан қопланган. Шу сабабли ушбу бино "Мармар сарой" деб ҳам номланади. Олий Суд биносининг биринчи қаватида кенг суд зали жойлашган. У фуқароларнинг ариза ва шикоятларини қабул қилиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш ва тегишли қарор чиқаришга ихтисослашган. Суд зали ёнида Олий суд судьяларининг ёпиқ суд мажлисини ўтказиш учун мўлжалланган суд хонаси ҳам мавжуд. Шунингдек, биринчи қаватда судьяларнинг хоналари жойлашган бўлиб, уларнинг котиблари ва хизматчилари фаолият юритади. Олий Суд ҳам дастлабки юрисдикция ва апелляция юрисдикциясига эга.

Олий Суднинг дастлабки юрисдикцияси АҚШ Конституциясининг 2-бўлим, 3-моддасига мувофиқ иш олиб боради. Дастлабки юрисдикция қуйидаги ишларни кўриб чиқади:

1. Ташқи ишлар вазирлигининг бошлиғи иштирокида ўтган суд ишлари;

2. Давлат мулозимлари иштирок этган суд ишлари

АҚШ Конгресси Олий Суднинг дастлабки юрисдикциясини кенгайтириш ва чеклаш ҳуқуқига эга эмас. Бу суд ишлари бевосита Олий Суднинг муҳокамасига юборилади. Олий Суднинг дастлабки юрисдикциясига кўриб чиқувчи йиллик суд ишлари жуда камчиликни ташкил этади. Олий Суд йилига ўртача бешта ишни кўриб чиқади. Олий Суднинг апелляция юрисдикцияси қуйи судлар томонидан кўриб чиқилган ишлар устидан қарор қабул қилади.

АҚШ Олий Судининг таркиби АҚШ Олий Судининг раиси ва 8 нафар судьядан иборат.

Судьяларнинг сони Конгресс томонидан белгиланади. Ўтган йиллар мобайнида ушбу сон 5 нафардан 10 тагача ўзгариб турган. Масалан, 1869 йилгача уларнинг сони 9 та бўлган. 1937 йилда АҚШнинг собиқ Президенти Франклин Рузвельт суд таркибини кенгайтириш ҳамда суднинг устидан назорат ўрнатишни сўраб Конгрессга мурожаат қилган. Лекин суд 9 нафар судья етарли деб ҳисоблаб, Рузвельтнинг ушбу таклифини рад этган.

Судьяларнинг ваколатлари АҚШ Конституциясида кўрсатиб ўтилмаган. Шу боис Конгресс томонидан чиқарилган қонунлар ҳамда анъаналар судьяларнинг ваколатларини белгилаб беришга хизмат қилади. Судьяларнинг асосий вазифаси суд ишларини кўриб чиқиб, иш юзасидан қарор қабул қилишдан иборат. Олий Суд раиси бир қанча қўшимча ваколатларга эга. У Олий суднинг суд ишларида муҳокама этиладиган халқ сессияларини ва суд низоларини бошқаради. Шунингдек, суд раиси Федерал суд тизимини бошқаришга ҳам ёрдамлашади.

Таъкидлаш жоизки, Олий суднинг судьялари 12 федерал округ фаолияти билан боғлиқ бўлган ўзларининг чекланган ваколатларига эга. Ҳар бир Федерал округ судларида ўзлари томонидан тайинланган Олий Суд судьялари фаолият юритади. Судлар округдан келадиган махсус ҳуқуқ фаолияти билан боғлиқ бўлган суд ишлари бўйича жавобгар ҳисобланади.

Олий Суднинг судьялари бир вақтнинг ўзида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ҳам хизмат қилиши мумкин. Масалан, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, 1945 йилда судья Роберт Жексон бир вақтнинг ўзида Нюрнберг Бош Прокурори бўлган. 1963 йилда Суд раиси Эрль Воррен Президент Жон Кеннединнинг қотиллиги бўйича тергов ишларини амалга оширувчи Махсус комиссияни бошқарган.

Олий суд ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий институт ҳисобланади. Суднинг ҳуқуқий институт сифатида эътироф этилиши шундаки, у қонуннинг асосий мақсадларини тушунтириб беруви ва муҳокама ўтказувчи асосий институтдир. Суднинг сиёсий институт мақоми диспутларни олиб боришда қонунларга мурожаат этиб, унинг миллий сиёсатга қандай ҳолатда таъсир ўтказиши ҳақида баҳс-мунозара юритишида намоён бўлади.

Бу билан Олий Суд Президент ва Конгресс каби миллий-сиёсий фаолиятни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Конгресс қонун чиқариш билан ўз сиёсатини юритади. Президент эса сиёсатга таклиф киритиш, қонунга амал қилиш, давлат бюджетини тузиш билан ўз таъсирини ўтказади. Олий суд Ҳукумат сиёсатини ҳуқуқий таҳлил ва қонуннинг асл моҳиятини тушунтириш орқали муҳокама этади.

Шунингдек, Олий суд қонуннинг конституциявийлигини назорат қилади. Аниқроқ айтганда, Олий суд давлат ва ҳукумат идоралари томонидан чиқарилган меёърий ҳужжатлар Конституцияга мос келмаса ёки унга зид бўлган тақдирда қонунни яроқсиз деб эълон қилишга ҳақли.

Олий суд Президент фаолиятининг конституциявийлиги устидан ҳам назорат олиб боради. Агар Президент қарорлари билан махсус қонунлар ва конституция ўртасида ўзаро низо келиб чиқса, Президент қарори тан олинмаслиги мумкин.

Олий Суд йилда 8 ой фаолият юритади. Ҳар бир иш йили октябрнинг биринчи душанбасида бошланиб, июлигача давом этади. Масалан, суд иши 2001 йил октябрида бошланиб, 2002 йил июлида тугалланади. Ёз мобайнида судьялар янги суд ишлари билан машғул бўладилар. Олий Суд ҳар ойнинг иккита кетма-кет келадиган ҳафтасида фаолият кўрсатади. Ушбу ҳолат бўйича судьялар тарафлар томонидан иштирок этаётган ҳимоячиларидан оғзаки далилларни эшитади ва ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиради. Далиллар суд томонидан душанбадан чоршанбагача тингланади. Икки ҳафтадан сўнг судьялар дам олади. Бу таътил давомида улар суд ишлари билан шахсан ўзлари махсус шуғулланади. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Олий суд томонидан йилига 5000 га яқин иш кўриб чиқилади. Суд одатда 400 дан 450 тагача ишга қарор қабул қилади, аммо 140 дан ортиқ иш тўлиқ тингланади ва унга ёзма муносабат билдирилади.

Кўриниб турибдики, АҚШ Олий суди ўзига хослиги билан бошқа мамлакатларнинг суд тизимидан фарқ қилади.

Отабек ФАЙЗИЕВ

Qabohat

"ЖАННАТ"НИНГ ҚОНЛИ ЙЎЛЛАРИ

Аёл — оила гултожи. Бу ибора замирида, ҳеч шубҳасиз, катта маъно мужассам. Оддийгина кундалик турмуш тарзимиздан олиб кўрсак, аёллар шарофати билан хонадонимиз обод, рўзғоримиз бут, кўнглимиз тўқ. Бироқ ҳаётда ана шундай иззатнинг қадрига етмаган аёллар ҳам учраб туради. Айниқса, болаларига тарбия берадиган онанинг ўзи тарбияга муҳтож бўлса, бундан ёмони йўқ. Бундан ҳам ёмони, у энг зарарли одатлардан бири ичкиликка ружу қўйса, кайфу сафодан бошқасини ўйламаса...

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Терговчи ва тиббиёт ходимлари террорчи аёлнинг оғир жисмоний аҳволини кўриб таажжубга тушишди. Чунки Луиза «дистрофия» ҳолатининг энг сўнгги даражасида бўлиб, бадани бутунлай моматалоқ бўлиб кетган эди. Устига устак, муқаррар ўлимга жўнатилган аёлнинг бўйида тўрт ойлик ҳомиласи бор экан...

Қўлга тушириш вақтида олган тан жароҳатлари туфайли Луиза вафот этди. Лекин у ўлимидан олдин терговчиларга ўгирлаб кетилгандан сўнг террорчилар қароргоҳида қандай азобларга гирфтор бўлганини, жумладан, ор-номусини оёқости қилишиб, зўрлашганини, руҳиятга таъсир қиладиган дорилар билан заҳарлашганини гапириб беришга улгурди. Луизанинг тан олишича, ор-номуси бўлғанган, минг бир азоблар туфайли тирик мурдага айланган аёл учун ажалдан яхшироқ чора бўлиши мумкин эмас.

ЎЛИМГА ЮБОРИШНИНГ ЯНА БИР ҚАБИҲ УСУЛИ

Террорчилар аёллар ва норасида болаларни алдаб ўлимга жўнатиш учун энг жирканч усулларидан ҳам фойдаланмоқдалар-ки, буни бориб турган жаҳолатдан бошқа нарса деб бўлмайди. Баъзан уни "бошга қоп кийдириш" усули деб ҳам атайдилар. Бунда асосан муҳтож оилалардаги саводсиз қизлардан фойдаланилади. Улар одатда ўғирлаб кетилади ёки етишмовчиликлардан эзилган ота-оналардан сотиб олинади. Сўнгра маълум муддат танҳоликда яшагач, унга қийинчилик туғдирмайдиган юмушларни буюришади.

Грознийда ҳозирги пайтда вояга етмаган Зарема Инаркаева мутлақо махфий ҳолатда яшашга мажбур бўлмоқда. Махсус хизмат ходимлари уни террорчилардан ҳимоя қилиб туришибди. Уни оиласидан ўғирлаб кетишгач, Грозний яқинида тутқунликда ушлаб туришган. Кейинчалик "алдагани бола яхши" қабилида террорчилик хуружида ундан фойдаланмоқчи бўлишди.

— Террорчилар мени Заводской тумани ИИБ биноси олдигача автомашинада олиб келиб, оғир сумкани учинчи қаватда ўтирадиган қандайдир бошлиқнинг хонасига элтиб беришимни айтишди, — дейди Зарема. — Сумкада мина борлигини, "ҳомийларим" автомашинада радиобошқариш қурилмаси билан уни портлатишга тайёр туришганини мен билмас эдим. Бахтимга милиция бўлимига кираверишда фақат детанатор ишлаб кетди, заряд эса портламади. Акс ҳолда мен ва милиция ходимлари тирик қолмас эдик.

Ўз айбига иқрор бўлиб, қуролини топширган террорчилар "тирик портловчи нишон" сифатида раҳнамолари 5-10 ёшли болалардан фойдаланиш юзасидан ўйлаб топган "қашфиёт" ҳақида гапириб беришди. Бунда ёш болага мактаб ёки хўжалик сумкаси тутқазилади-да, "амакингга элтиб бер", дейишади. Ўзлари эса панада масофадан бошқариладиган қурилма тугмасини босишга пайт пойлаб туришади.

Террорчилар амалга ошираётган жиноий ҳаракатлари ҳеч бир мантиққа тўғри келмайди. Улар одамларни алдаш билан тузоғига илинтириб, "шаҳидлар"га у дунёдаги жаннатни ваъда қилмоқда. Ўзлари эса шариат қонун-қоидаларига мувофиқ ўзини ёки ўзгани ўлдириш энг катта гуноҳ эканини била туриб, бундай қабиҳликка қўл уришмоқда. Қуръони Каримда **"Бир-бирларингизни ўлдирмангиз!"** дейилган. Бироқ минг афсуски, адашган бандалар бу илоҳий даъватга амал қилишмаяпти. Шу боис жаҳолат давом этаяпти.

Ҳасан АБДУВАИТОВ
тайёрлади.

Qiyos

ОДАМИЙЛИК МЕЗОНИ

Аввалига бинойидек яшаётган бу хонадондан кутилмаганда файзу барака кўтарилди. Эр-хотин бирваракайига ичкиликка ружу қўйишди. Охир-оқибат Люба тинимсиз ичадиган, ароққа пул тополмаса, уйдаги буюмларни ўйлаб-нетиб ўтирмай сотиб юбориб, нафсини қондирадиган бўлди. Одамнинг оёғи тойиб, йўлдан адашгани ёмон экан. Унга ҳам қариндош-уруғ, қўни-қўшни, ҳатто болаларининг ялиниб-ёлворишлари таъсир қилмади, у тобора тубанлик ботқоғига ботиб бораверди.

Ҳали вояга етмаган Александр жанжалтўполон жонига теккач, тез-тез уйдан кетиб қоладиган, кўча-кўйда дайдиб юрадиган одат чиқарди. Ўша мудҳиш воқеа юз беришидан икки кун илгари ҳам у уйда йўқ эди, шаҳарнинг нариги чеккасида яшайдиган бувисиникига кетиб қолганди.

Фожеа эса шундай рўй берди:

Каллаи саҳардан Любанинг яна ичкиси келиб қолди. Эри Сергей уни қанча йўлдан қайтармоқчи бўлмасин, барибир қулоқ солгиси келмади. У апил-тапил кийиниб, ташқарига отилди. Шу кетишда у кечга томон кайфи тароқ ҳолда чайқалиб-чайқалиб уйга базўр кириб келди.

Уни кўриб, эри Сергей қорни очгани, бирор-бир овқат тайёрлашни буюрди. Бироқ у хотинидан мутлақо куракда турмайдиган ҳақоратомуз сўзларни эшитди. Шунда ҳам эри уни инсофга чақириб, тинчлантирмоқчи бўлди. Лекин ётоқхонада кийимини алмаштираётган Люба уст-бошини уддалаб киёлмаётганди. Ноилож эри унга ёрдамлашиб юборди.

— Керак бўлса, ўзинг овқат қилиб ейсан, — деди оёғида зўрға турган Люба, — мен сенга қул эмасман, тушундингми?!

Энди ростакамига жаҳли чиққан эр унинг юзига тарсаки тортиб юборди. Столга урилиб, йиқилган хотини яна ўрнидан туриб келди. Иккинчи калтак зарбидан у юztубан йиқилди ва овозини қўйиб сўкина бошлади.

Бундай ҳақоратли сўзларни эшитиб, баттар жаҳли чиққан Сергей полда инграб ётган хотинининг биқинига бир неча марта зарб билан тепди. Шундан сўнг аёл қутилмаганда тинчиб қолди.

Орадан бироз вақт ўтгач, жаҳлидан тушган Сергей хотинини ўрнида турғазишга уриниб кўрди. Бироқ оғзи-бурнидан келган қонга бўялган аёлнинг танаси аллақачон совуб қолганди...

Шундан сўнг юрагига қўрқув оралаган Сергей шоша-пиша қизининг уйига сим қоқди. Лекин алоқа узилиб қолгач, тун ярмида кўчага чиқиб, бир шиша ароқ топиб келди-да, нариги хонада диванда ёнбошлаганча, ароқни охиригача ичиб, ухлаб қолди.

Эртаси кун соат 12 ларда уйига қайтган Александр бежон ётган онасини кўриб, ҳушини йўқотаёзди. Ухлаб ётган отасини уйғотиб, қандай воқеа рўй берганини сўради.

Судда гувоҳ сифатида қатнашган Н.Красильная қуйидагича кўрсатма берди: "Опам Любов Поспелова боғчада тарбиячи бўлиб ишласа-да, лекин ароқ ичишга ружу қўйгани тўғри. Мен ҳам унга бир неча марта бу зарарли одатни ташлаш кераклигини айтганман. Аммо нафи бўлмади. Шуни аниқ биламанки, унинг оилавий шароити яхши эди. Унинг ароққа берилиб кетишига бирор-бир сабаб йўқ эди".

Суд-тиббий экспертиза хулосасига кўра, марҳуманинг калтак зарбидан қовурғалари синиб, ички аъзолари қаттиқ зарарланган экан.

Суд ушбу жиноий ишни кўриб чиқиб, В.Чкалов номидаги Авиация ишлаб чиқариш ДАЖ слесари С.Н.Поспеловни узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Энг ёмони, оилада ҳали балоғатга етмаган Александрнинг ёлғиз ўзи қолди. Хўш, унинг кейинги ҳаёти қандай кечади? Оиласида рўй берган бу фожиалар унинг кейинги ҳаётига қандай таъсир қилади?

Бу саволлар ҳар биримизни мушоҳада юритишга ундайди, албатта.

ЛЮБА ХОЛАНИНГ ШИРМОЙ НОНЛАРИ

Агомайли қишлоғида Люба хола деган аёлни эслашим билан бўрсилдоқ ширмойнонларнинг ёқимли ҳиди димоғимни қитиқлагандай бўлади. Ана шу мен соғинган ширмойларни Люба опадан ўтказиб ёпадиган одам йўқ эди.

Холанинг уйига қачон борсам, у тандирга ширмой нон ёпаётган бўларди. Бунинг устига холанинг қўли очиқ, у ёпган ширмой нондан бутун қишлоғимиз бахраманд бўларди. Люба холанинг истараси иссиқ, кўзлари доимо кулиб турса-да, юрагининг туб-тубида дард чўкиб ётарди.

Шунинг учун у дам-бадам ўтмишидан ёзғириб қоларди.

— Фашистлар станциямизга бомба ёғдира бошлагач, ёш болаларни поездга солиб мамлакат ичкарисига жўнатишди, — деб ҳикоя қилади Люба хола. — Йўлда икки укам очликдан вафот этди. Мен ҳам очликдан ўлимни бўйнимга олиб ҳолсиз ётганимда, поезд Тошкентга кириб келди. Мени олдин Пискентга, сўнгра Агамайлига олиб келишди. Биринчи кўрганим тандирдан узиб олинаётган ширмой нонлар эди. Назаримда, тандирдан чиқаётган нон бутун дунёга етгудай эди. Шундан буён ширмой нонлар ёпиб, нондай эъзоз топдим.

Урушдан кейин холанинг ҳаёти изга тушиб кетган. Оила қурган, фарзанд кўрган. Бироқ ана шундай бахтли кунларининг бирида кутилмаган фожиа юз беради, автоҳалокатда эри ва икки фарзанди нобуд бўлди.

Люба хола тақдирнинг бу синовини ҳам сабр билан енгди. Кейинчалик ёлғиз бўлгани учун болалар уйидан бола асраб олишга қўйишмади. У эса умидини узмай опасингил етимлар Насиба ва Нозима мактабни битиргунча кутди. Иккаласини ҳам ўқитди. Иккаласини бир кунда турмушга берди. Бу тўйга қишлоқнинг ёшу қариси ташриф буюрди. Қизларини пешонасидан ўпиб, кузатар экан, уч инсон бир-бирини бағрига босиб йиғлаганда кўзига ёш олмаган одам қолмади...

— Бизни она уйидан қуёвга узатишади деб ўйламагандик, — деди Нозима. — Энди бизнинг бағримиз сиз билан бутун онажон.

Ҳақиқатдан ҳам, бу турфа оламда турфа хил одамлар бор. Уларнинг орасида Люба холага ўхшаш азиз инсонлар борлиги туфайли бу дунё мукаррам бўлиб бораверади.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Taqdir tarixi



James MONROE

«ЯХШИ КАЙФИЯТ ЭРАСИ» АСОСЧИСИ

Америка Қўшма Штатларининг ташқи дунё билан алоқа ўрнатиши ва иқтисодий-ижтимоий юксалишига ўзининг «Монро назарияси» деб ном олган тарихий сиёсий ҳужжати билан катта ҳисса қўшган президентлардан бири Жеймс Монродир.

Асли келиб чиқиши Англиядан бўлган Калонел Спенс ва Элизабет Монроларнинг фарзанди Жеймс 1758 йилнинг 28 апрелида Виржиния штатининг Вестмэрленд Округида дунёга келади. Жеймс ёшлик чоғидан билим олиш, ҳунар ўрганишга интилади. Отасининг яхши топиш-тутиши Жеймс учун анча қўл келади. У 12 ёшга қадар махсус ўқитувчилар қўлида таҳсил олади. Кейин эса отаси уни ўрмон ичида жойлашган «Персон Арчиболд» номли ўрта мактабга олиб боради. Мактабни аъло баҳоларга тамомлаган 16 ёшли Жеймс энди Вилламсбургдаги «Уильям ва Мэри» университетига ҳужжат топшириб, омадини синаб кўрмоқчи бўлади. Аммо мамлакатда мустақиллик учун инқилоб урушининг бошланиши Жеймс Монрони жанг майдони томон етаклайди. Ўшанда отаси уни урушдан олиб қолмоқчи бўлганида Жеймс қаршилик қилиб, «Тинчлигимиз, келажагимиз учун ўзимиз курашмасак, ким курашади» дейди. Бундай фидойи, ватанпарвар ўғли борлигидан фахрланиб кетган ота розилик берганини ўзи ҳам билмай қолади.

Бор-йўғи 18 ёшга тўлган Жеймс Ватан учун қандай курашиш кераклигини жанг майдонида кўрсатади. Урушдан қайтгач, лейтенант Жеймс устози Томас Жефферсон бошчилигида ҳуқуқ ва сиёсат фанларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўзлаштиради. Бунинг самараси ўлароқ, 1782 йилда Виржиния Ассамблеясига аъзо этиб сайланади. Ассамблеяда ишлаган кезларда Монро бир қанча таклифлар билан, хусусан, ғарбий штатлар қонунчилигини такомиллаштириш, моддий ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш ҳамда имкон қадар солиқ ставкаларини камайтириш сингари муҳим масалаларни парламент муҳокамасига киритади. Шунингдек, у 1786 йилда Конституцион комиссиянинг йиғилишида ҳам фаоллик кўрсатиб, машҳур сиёсатчи олимлар ва давлат арбобларининг ҳурмат-эътиборини қозонади.

Жеймс Монронинг оилавий ҳаёти ҳақида шуни айтиш мумкинки, у нью-йорклик 17 ёшли Элизабет Кортрайт исмли қиз билан турмуш қуради. Улар Элиза ва Мария исмли қизларни вояга етказишди. Тўйдан сўнг Монро вакиллар палатаси аъзоси бўлиш учун рақиби Жеймс Мэдисонга қарши сиёсий кураш олиб боради. Аммо сайловда Мэдисоннинг қўли баланд келади. Шундан кейин Виржиния қонунчилик органи Сенатнинг бўшаб қолган жойини тўлдириш мақсадида Жеймс Монрони сенатор этиб сайлайди. Орадан тўрт йил ўтар-ўтмас президент Жорж Вашингтон сенатор Монрони ўз ҳузурига чақириб, «Сиз Франция билан алоқа ўрнатишда қандай йўл тутиш кераклигини жуда яхши биласиз. Ишончим комилки, бу масъулиятли ишни уддалай олишга билимингиз ҳам, тажрибангиз ҳам етарли» дея уни элчи қилиб юборади. Бироқ тинимсиз олиб борилган музокаралар ҳам ижобий натижа бермайди ва Жеймс Монродек тажрибали сиёсатчи ҳам Франция билан муросага кела олмайди.

Чунки Франция ҳукумати АҚШга бажариб бўлмайдиган шарт қўяди, яъни Англия билан алоқани тўхтатишни талаб этади. Париждан ҳафсаласи пир бўлиб қайтган Монрони янги лавозим ва бир қатор муваффақиятлар кутиб турарди. Чунки бу орада унинг устози Томас Жефферсон ҳокимият тепасига келган эди. 1799 йилда Жеймс Виржиния штати губернатори этиб сайланади. Губернаторлик вақтида у асосий эътиборни штатда демократик қоидаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратади. Лекин ҳокимлик ваколат муддати тугамасдан, президент Жефферсон уни Буюк Британияга вакил этиб тайинлайди. Бунда Монронинг асосий вазифаси АҚШ ва Англия ўртасидаги алоқани йўлга қўйиб, савдо-сотиқ шартномасини тузиш эди. Бироқ бу гал ҳам Жеймснинг ҳаракатлари самарасиз якунланади. Аниқроғи, у инглизлар билан тўғри муросага кела олмайди. Она юртига қайтгач, устози Жефферсоннинг изидан бориш мақсадида президентликка номзодини қўяди. Сайлов натижасига кўра унинг рақиби Жеймс Мэдисон президентликни қўлга киритади. Гарчи янги раҳбар билан яхши муносабатда бўлмасада, Жеймс 1812 йилда бошланган Буюк Британия билан урушда армия қўмондони этиб тайинланади. Шуниси қизиқки, 1812 йилнинг 1 июнида бошланган мазкур уруш Америка давлати тарихида энг ғаройибидир. Бундай дейишимизнинг боиси шуки, Британия ҳукумати АҚШдан фақат ўзи билан алоқа қилишни, бошқа Европа давлатлари билан эса зудлик билан алоқани тўхатишни талаб қилади. АҚШ ҳукумати эса табиийки, бундай талабга рози бўлмайди ва натижада икки мамлакат ўртасида ташқи сиёсат юзасидан уруш келиб чиқади. Шу сабабли, баъзи тарихчилар ушбу урушни «Алоқа учун уруш» деган ном билан ҳам аташади. Хуллас, мазкур уруш оқибатида ҳар икки томондан ҳам минглаб одамлар қурбон бўлади. Бундан ташқари, ана шу даврда Америка тарихида илк бор «Президентлар уйи» (олдин шу ном билан аташган), яъни ҳозирги «Оқ уй» инглиз ҳарбийлари томонидан вайронага айлантирилади. Ва, ниҳоят орадан бир қанча вақт ўтиб, Англия ва АҚШ ўртасидаги ушбу уруш ўзаро тинчлик шартномасини имзолаш билан барҳам топади. Бундай келишувга эришишда армия қўмондони Жеймс Монронинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Америка халқи ана шундай буюк хизматлари эвазига фидойи фарзандини 1816 йилда давлат раҳбари этиб сайлайди. Президентлик қасамёдини қабул қилгач, Монро, биринчи навбатда, уруш асоратларини бартараф этишни, халқ фаровонлигини таъминлаш ва энг муҳими, одамларнинг келажакка бўлган ишончи ҳамда умидини оширишни асосий мақсад қилиб қўяди. Ўзининг мурожаатларидан бирида у «Бизнинг энг катта бойлигимиз — бу миллий ғуруримиздир. Шундай экан, келинг, ана шундай олий қадрият ила келажакка назар солайлик», деган президент Монронинг бундай даъватлари Америка халқини маънавий жиҳатдан руҳлантирган десак, муболаға бўлмайди.

Шунингдек, Жеймс Монронинг президент сифатида амалга оширган энг катта ишларидан яна бири «Монро назарияси» деб номланган тарихий-сиёсий ҳужжатни ишлаб чиққанлигидир. Шу ўринда «Монро назарияси» нима ва у Американинг тараққий топишида қандай аҳамият касб этган, деган савол туғилиши мумкин. Унга қуйидагича жавоб бериш лозим.

1823 йилнинг декабрида Лотин Америкасини Британиянинг ҳарбий денгиз қуролли кучлари ва Франция тажовузидан ҳимоя қилиш лозимлигини англаган президент Монро Конгресс олдида йиллик баёнотномасини эълон қилади. Монро назариясининг асосий мазмуни Америка устидан Европа ҳукмронлигининг ҳар қандай кўринишини рад этишдан иборат эди. Унда асосан қуйидаги мақсад ва йўналишлар илгари сурилган:

— Америка қитъаси ҳеч бир Европа давлати томонидан мустамлакалаштириш макони сифатида қаралмаслиги керак;

— улар томонидан ўз (сиёсий) тузуми ва ҳудудини мазкур ярим шарнинг ҳар қандай қисми ҳисобидан кенгайтиришга бўлган ҳар қандай уринишни америкаликлар ўз тинчлиги ва хавфсизлигига нисбатан хавф-хатар деб ҳисоблаш зарур;

— ҳар қандай Европа давлатининг ҳозирги кунда мавжуд мустамлакалари ёки унга қарам ўлкалари билан бўладиган ўзаро муносабатларига америкаликлар аралашмаган ва келгусида ҳам аралашмайди;

«Монро назарияси» АҚШнинг ҳудудий жиҳатдан дахлсиз давлат эканини яна бир бор мустаҳкамлади.

Ушбу ҳужжат ташқи дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли алоқага киришиш имконини берди. Ҳар бир америкалик фуқарога ўз қобилиятини эркин ва тўлиқ намоён қилиш имкониятини яратди.

Хуллас, «Монро назарияси» АҚШнинг ҳар соҳада юксалишида муҳим ҳуқуқий асос бўлди, десак хато қилмаган бўламиз. Шунинг учун ҳам Монронинг президентлик даври халқ томонидан «Яхши кайфият эраси» деб аталади. Президентлик сайловида иккинчи муддатни қўлдан бой бергач, Монро беш йилга яқин Виржиния университети талабаларига ҳуқуқ фанидан дарс беради. Шу билан бирга, Виржиния конституциясининг яратилишига ҳам катта ҳисса қўшади. Хуллас, 73 йиллик умрини чинакам мазмунли ўтказган Жеймс Монро 1831 йилнинг 4 июлида, яъни истиқлолнинг 90 йиллигини нишонлаш арафасида Нью-Йорк шаҳрида вафот этади.

Хусан ТУРСУНОВ,
Ҳабибулла ИСОҚОВ

Jurnalist surishtiruvi

ИХТИЛОФ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Ғани Бердиев шундан кейин фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судининг ҳал қилув қарори бекор қилинганлигини билган. Бекор юрган вақти учун суд ажримида кўрсатилган 30 минг сўм ундирилмаган бўлса-да, "ундирилган" дейилганига таажжубда. Шунингдек, уни ажримдаги "Кассация шикоятига Ғ.Бердиев эътироз билдирмаган" деган жумла ҳам ҳайратга солмоқда. Чунки "Халқ банки"нинг Ургут туман бўлими вакили Бахтиёр Ҳимматовнинг кассация шикоят ариза нусхаси тилхат орқали Ғ.Бердиевга берилмаган. Унинг судда қатнашиб, ўз важларини ҳимоя қилишига, исботлашига имконият яратилмаган.

— Менга, - дейди Ғ.Бердиев, - почта орқали фуқаролик иши бўйича Самарқанд вилоят судида 2003 йилнинг 14 август кунида кўрилиши маълум қилинади, деган хабар келганди. Лекин хабарга кассация шикоят аризанинг нусхаси қўшиб юборилмагани сабабли судга бормадим.

Бу масалада Ғани Бердиевнинг ҳақ ёки ноҳақлиги номаълум бўлса-да, ҳар қалай кассация судлов ҳайъати мажлис баённомасида Ғ.Бердиевнинг узрсиз сабабларга кўра суд мажлисида қатнашмагани қайд этилган. Шунингдек, кассация ажримида баён этилган "судга даъво аризаси билан мурожат қилиш муддати узрсиз сабаблар билан ўтказиб юборилган"и масаласида ҳам Ғ.Бердиевнинг эътирозлари бор. Негаки, Ғани Бердиев бирданига судга мурожаат қилмаган экан, у аввал вилоят прокурори номига ариза ёзган. Уни дастлаб Т.Шодиевга, сўнгра банкнинг шикоят бошқармаси бошлиғи М.Ҳамроқуловга кўрсатиб, "хато-камчиликлари йўқми?" дея сўраган. Раҳбарлар эътироз билдиришмагач, вилоят прокуратурасига жўнатган. Вилоят прокуратурасидан Ғ.Бердиевга аризаси 2002 йилнинг 11 ноябр санаси билан 7-23-02 рақамда туман прокуратурасига жўнатилгани ҳақида хат келган.

Ғани Бердиев туман прокуратурасидан судга мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилган хат олган. Ана шундан кейин у фуқаролик ишлари бўйича туман судга даъво ариза ёзган. Хўш, бундай ҳолда судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабаблар билан ўтказиб юборилган ҳисобланадими?

Бундан ташқари, кассация ажримида ёзилганидек, фуқаро Ғ.Бердиев биринчи босқич судига 2003 йилнинг 21 январида эмас, балки 2002 йилнинг 17 декабрида даъво ариза берган. Даъво аризанинг асл нусхаси суд ҳужжатларида турибди. Рақамлардаги бу чалкашлик техник хатоми ёки бошқа сабаби борми?

Аслида бу муаммонинг келиб чиқишини бошқа бир сабаби ҳам йўқ эмас.

Гап шундаки, "Халқ банки" томонидан 2002 йилнинг 1 майидан бошлаб "Қадрият" қисқа муддатли ютуқли омонат тури жорий этилган экан. Ғани Бердиев таниши Яҳё Ҳодиевга пулларини ана шу омонатга қўйишни таклиф қилади. Бу билан банкнинг фойдасини кўзлаганини англаш қийин эмас. Шундай қилиб, Я.Ҳодиев жамғариб юрган 1 миллион 50 минг сўм пулини 2002 йилнинг 3 майида "Қадрият" қисқа муддатли ютуқли омонатига йиллик 50 фоиз даромад тўлаш шарти билан уч ой муддатга топширади. Муҳлат 3 августда тўлиши керак эди. 2002 йил 14 август куни фоиз даромадлари билан ҳисобланиб, Яҳё Ҳодиевнинг ҳисоб варағи 1 миллион 179 минг 452 сўм 40 тийин қилиб ёпилади.

Я.Ҳодиев банкка келиб бошқарувчини кутиб ўтиради. Т.Шодиев эшикдан кириб келади. 73 ёшли кекса мижоз банкнинг ёш раҳбарига салом беради. Т.Шодиев саломга алик олмайди. Бу ҳол Я.Ходиевнинг иззат-нафсониятига тегади. Ўртада ихтилоф туғилади. Икки кун ўтгандан сўнг мижоз Т.Шодиевга учрашиб, пулини қайтариб олмоқчи эканини айтади. Бу пайтда ой яримлаб қолган, банк пулни қайтариб бериши қийин эди. Шу сабабли Т.Шодиев пулни келаётган ойнинг бошида узишини айтиб, илтимос қилади. Зарур бўлган 30 минг сўмни мижозга беришади. Қолган 1 миллион 149 минг 452 сўм 40 тийин пулни Я.Ходиевнинг розилиги билан Ғани Бердиевнинг омонат дафтарчасига ёзишади.

Ғани Бердиевнинг омонат дафтарчасида турган Яҳё Ходиевга тегишли 1 миллион 149 минг 152 сўм 40 тийин янги ойга ўтиб, 2 сентябрда эгасига берилади. Мижоз Я.Ходиев омонатни уч ой муддатга қўйган. Банк эса ундан тўрт ой фойдаланди. Мижоз тўланмаган бир ойнинг фоизини сўрайди.

"Халқ банки"нинг вилоят бошқармасидан келган мутахассис масалани ўрганиб чиқиб, Яҳё Ходиевга 2 минг 125 сўм 40 тийин қолдиқ тўлаш ҳақида хулоса беради. Бундан Я.Ходиев қаноатланмайди. Мижознинг бир ойлик фоизни талаб қилиб, шунингдек, Турғун Шодиевнинг муомаласидан норози бўлиб ёзган аризаларини банкдагилар муроса билан изга солиш ўрнига Ғани Бердиевнинг "иши" деган нотўғри хулосага боришган. "Яҳё Ходиевга тегишли пулнинг фоизини Ғани Бердиевнинг ўзи олади" дея орқаворотдан айтилган туҳмат эса кекса ходимнинг кўнгил шишасини чил-чил қилган.

— Менга иш керак эмас, — дея куйинади Ғ.Бердиев. — Пенсияга чиқканимдан сўнг "Халқ банки"нинг вилоят бошқармасининг ўша пайтдаги раҳбарига икки марта учрашдим. Рухсат беришмади. Сизнинг бизга ишингиз эмас, маслаҳатингиз керак, дейишди. Шунинг учун банкда ҳужжат сақловчи вазифасида ишлаб келаётгандим. Агар штатларда қисқариш бўлаётганини айтишганида дарҳол ўрнимни бўшатиб берар эдим. Мен қорнимга эмас, қадримга куяман.

Бор-йўқ воқеа ана шундан иборат.

Хўш, бу ўринда ким ҳақ-у, ким ноҳақ?!

Албатта, биз кимнидир оқлаш ва кимнидир қоралаш фикридан йироқмиз. Ўйлаймизки, мутасаддилар бу масалада холис фикрларини айтади.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Навқиронлик

Суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

Jinoyat va jazo

ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАГАН ОҒУ

Валерий Попов илгари ҳам икки маротаба судланган эди. Аммо у бундан тўғри хулоса чиқармади. Аксинча, яна жиноятга қўл урди.

Хўш, Валерий Попов қандай жиноятни содир этди? У учинчи бор жиноят кўчасига қандай қилиб, қай тарзда кириб келди? Албатта, бу саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий ҳол. Гап шундаки, бу гал Валерий ўз хотини Гулнора Поповонинг жонига қасд қилди.

— 8 апрель куни соат 19 лар чамасида ишдан бўшадим, — деди суд мажлисида Валерий Попов ўз айбига иқрор бўлиб, — чарчоқ ёзиш баҳонасида 200 грамм ароқ ичдим. Кейин участка нозири назоратидан ўтиши учун уйга шошилдим. Чунки соат 20 гача уйда бўлишим шарт эди. Уйга кираверишдаги йўлакда бегона эркак кишига кўзим тушди ва кўнглимга шубҳа оралади. Шу боис тезда ўз хонадонимга кирдим ва хотинимнинг тўшакда қаттиқ маст, уятсиз ҳолда ётганини кўрдим. Шунда ундан нафратланиб кетдим. Рашк ўти кўзларимни кўр, қулоқларимни кар қилиб қўйди. Жаҳл устида унинг дуч келган жойига уравердим. Гулнора полга юztубан йиқилди. Мен эса алам устида уни тепишда давом этдим.

Ҳа, "жаҳл келса, ақл кетади" деганларидек, Валерий хотинининг қандай қилиб жон таслим қилаётганини ҳатто билмай ҳам қолди. Хонадон бир зумда зулмат қўйнига чўкди. Анча вақт ўтгандан сўнг Валерий жиноятнинг изини яшириш пайига тушди. У қўлига пичоқ ва болғани олиб, хотинининг бутун танасини бўлакларга ажрата бошлади... Кейин эшик тирқишидан ташқарига олазарак мўралади. Ҳовлида эса ҳеч ким кўринмасди. Пайтдан фойдаланган қотил хотинининг мурдасини умумий ҳожатхона чуқурига ташлаб юборди.

— Ҳамма ўз уйида ўзи билан ўзи овора. Жиноятни ҳеч кимга сездирмадим, — дейди судда Валерий. — Бироқ хотинимга юрагим ачиб, виждон азобида қийналдим. Орадан икки кун ўтиб, хонадоним эшигини участка нозири А.Нурматов тақиллатди. Шунда сирим фош бўлди.

— Валерийнинг юриш-туришини доимий назоратга олган эдик, — дейди суд мажлисида А.Нурматов, — унинг хотини бирдан кўринмай қолди. Бу ҳол менда шубҳа уйғотди. 10 апрел куни соат 18 лар чамасида Валерийнинг уйига бордим. У эшикни истар-истамас очди. Хонадон бетартиб, полнинг айрим жойларида қон доғларининг қолдиқлари бор эди. Мен ундан "хотининг қаерда" деб сўрадим. Валерий қўрқувдан титраб, бирор маънили жавоб бера олмади. Сўроқ пайтида у бор гапни айтиб берди.

— Гулнора билан опа-сингилмиз, — дейди суд мажлисида Сабохон, — синглимнинг биринчи турмушидан уч нафар фарзанди бор эди. Эрининг ўлимидан кейин фарзандларини қариндошларига ташлаб, Валерийга турмушга чиқди. Ҳатто ўз фамилиясини ўзгартириб олди. Улар бир-бирларини қандай топди, қандай қилиб турмуш қурди — бу бизга қоронғу.

— Судланувчи Валерий Попов қўшнимиз бўлади, — дейди О.Отажонова билан М.Отақулова, — 2001 йилдан бери у Гулнора билан бирга яшай бошлади. Валерийнинг хотини ҳеч қаерда ишламас, уйда бекор ўтирар эди. Бунинг устига, у ичкиликка берилган аёл эди. Охирги марта уни 8 апрель куни қаттиқ маст ҳолда кўрган эдик.

Мазкур жиноят иши юзасидан жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судьяси К.Толипов раислигида суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд ҳайъати машъум жиноят иши бўйича тўпланган барча ашёвий далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, фикр-мулоҳазаларига асосланиб Валерий Поповга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Валерий билан Гулноранинг фожиаси нимада? Табиийки, бу саволга ҳар ким турлича жавоб бериши аниқ. Айримлар Гулнорани бевафоликда айблашди. Бошқалари эса айбни Валерийдан ахтаришди. Таъкидлаш лозимки, ҳар икки тарафни ҳам инкор этиб бўлмайди. Учинчи бир кишилар эса "ҳар иккови ни ҳам ичкиликбозлик адои-тамом қилди" дейишади. Бу гапда ҳам жон бор. Чунки Валерий 200 грамм ароқ ичиб уйига келди. Гулнора маст ҳолда ўз эрига хиёнат қилди. Хиёнат эса жиноятга замин тайёрлади. Енгил-елпи яшаш, маишатбозлик Гулнорани умрини хазон қилди, Валерийни қотилликка ундади.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Адлия вазирлиги жамоаси Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи Хайриддин Файзиевга отаси *Сирожиддин ФАЙЗИЕВнинг* вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўриқош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-918. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50